O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV №

O'zMTDP

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Milliy tiklanish

Har oyda ikki marta chop etiladi


O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

2004 yil, 28 avgust, shanba

14-15 (296-297) son

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎН БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ ЎЗ ИШИНИ ЯКУНЛАДИ. УНДА ЎЗМТДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ ҲАМ ФАОЛ ИШТИРОК ЭТДИ.

ЎЗБЕКИСТОН ОСИЁНИНГ ЮРАГИ



Иброҳим ҒАФУРОВ,
Олий Мажлис депутати.

Ўзбекистон Осиёнинг юраги деган таърифда муболаға йўқ. У гапирганда, ишлаганда, дунё сарҳадларига чиққанда худди Осиё, кўҳна файзосо Туроннинг юраги бўлиб гапиради, ишлайди, ҳамкорликлар қилади. Ўз мақсадлари ва ҳаётий моҳиятларини ҳам Осиё ва Туроннинг уриб турган мангу тирик юраги каби англатади, тушунтиради.

Биз ўн уч йиллик истиқлолимизнинг осон бўлмаган йўлларидан бориб амин бўлганмиз, ишонч-эътиқод қозонганмизки: Ўзбекистон ер юзида яхшиликлар ва тараққиёт учун яратилган.

Марказий Осиёда, қадим Турон сарҳадларида аллақандай шубҳали кучлар таъсирида ихтилофлар, таҳликалар, бебошликлар бошланган ўтган асрнинг саксонинчи йилларининг охири — қайта қуриш деган давр ўзининг айни авжи тарафига чиқаётган, қолаверса, унутилмаган истиқлол шабадалари эсаётган бир даврда дунё адабиётининг XX асрдаги гигантларидан бири Чингиз Айтматов Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг жаҳон цивилизацияларидаги ўрни ва аҳамиятини аниқлаб, уни маданият яратувчи ва маданият ташувчи Византияга қиёс қилган эди.

Бу тарихнинг чуқур ва ҳали ҳамон ҳаракатда яратувчиликда бўлган қатламларига суяниб айтилган баҳо эди.

Биз шундай ақидадамизки, шунчалар маданият, яшаш ва бошқарув таомиллари ва традициялари амалда бўлиб келган улкан жўғрофий маданий маконларда ҳеч қачон терроризмга ўрин йўқ, бўлмаган ва бўлмайди. Диний ва бошқа тоифадаги экстремистик ҳаракатларга ўрин бўлмаган ва бўлган эмас.

Ўзбекистонда унинг халқининг сабр-тоқатли, бардошли, меҳнат ва одамийлик, бағри кенгликни улуғлаган заминида терроризм ва экстремизмларнинг ҳар қандай шаклларини ва кўринишларига ўрин, сабаб йўқ.

Менталитет тўғрисида ўйлаганда, кишига шундай фикр йўсинлари келадики, рост, халқимиз аввало содда, тўғри кўнгил бўлиши мумкин, лекин у мутаассиб эмас. Халқимиз узоқ цивилизация йўлларини босиб ўтяпти. Шу йўлларда орттирилган ҳаётий тажрибаларнинг хулосаси шундан иборатки, у жаҳолатни эмас, маърифатни, илмфанни ўзига таянч, суянчиқ, келажагининг нашъу намоси деб билади.

Ер юзида маддалаётган бир-биридан таҳликали, кўп фалокатлар ва ҳалокатли воқеаларнинг тагига қарасангиз, терроризм, динпарастлик, миллатчилик сингари ҳодисалар ҳамиша мутаассиблик, кўр жаҳолат билан туташиб кетганлиги ва бир-бирига суянишиб кун кўришини сезасиз.

Албатта, терроризм ва унинг мантиққа эга бўлмаган ақидаларига лаққи тушганлар ҳозирги замон эркинликларидан, баъзида айрим мамлакатлардаги давлат бошқарувидаги вужудга келган муваққатлик, таназзудлар ва ўқувсизликлардан, ожизликлардан, келажакни кўролмасликлардан, қолаверса, айрим шахсларнинг ўта лақмалигидан, тараққиёт қарашлари, ҳиссиётларининг йўқлиги — ўз жиноий манфаатлари учун фойдаланишга уринадилар.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 1996 йилда БМТнинг 50 йиллигига бағишланган Ассамблея анжуманида нутқ сўзлаб, бутун дунё афкор оммасининг эътиборини ер юзида, унинг турли минтақаларида тинчлик ўрнатиш, барқарор осойишталикка эришиш, қурол-яроғларни тарқатмаслик, жаҳон хавфсизлиги масалаларини ўртага қўйган эди. Қолаверса, БМТнинг айрим ҳолларда ўз муҳим қарорларини етарли даражада қатъият ва изчиллик билан амалга оширмаслиги натижасида сустлик, беқарорлик, таҳдид ва таҳликалар минтақаларининг кўпайишига олиб келишидан оқилона огоҳлантирган эди. Орадан ўн йилча ўтиб бу башорат ўз исботини топиб келмоқда. Терроризм у ёки бу шаклда ер юзига бамисоли параноя каби ёйилмоқда. Ҳатто энг хатарлиси, у халқаро тус олиб, терроризм экспорт қилинадиган ўта хавфли маҳсулотга айлана бормоқда. Жумладан, уни озодликка эришган, демократик мустақил Ўзбекистонга ҳам экспорт қилишга кўп хатарли уринишлар рўй бермоқда. Лекин Ўзбекистонда қонунчиликнинг кучайиб бориши, фуқаролар онгининг ўсиши, ранг-баранг сиёсий қарашларнинг шаклланиши турмуш даражасининг астасекинлик билан кўтарилиши, талабчан сиёсатга амал қилиниши, терроризм тарқалиши йўлига қўйилган мустаҳкам цивилизация тўсиқлари, муҳофаза ва хавфсизлик чораларидир. Биз жамиятимиз ва одамларимизни ўта сиёсийлаштирмасдан туриб, айни пайтда кучли сиёсий онгнинг тарбияланиши тарафдоримиз.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг халқаро терроризм, диний ва бошқа бир тарздаги экстремизмга қарши қатъият ва матонат билан курашаётган мамлакатлари сирасига киради. Бу кураш стихияли, эпизодик ёки палапартиш тарзда эмас, балки барча демократик, цивилизация ҳукмрон бўлган мамлакатларда бўлгани каби теран қонунийлик асосида олиб борилмоқда. Бу ҳозирги замоннинг ўта муҳим соҳаларида Президент Ислом Каримов ва олий ҳокимиятимизнинг саъй-ҳаракатлари билан стратегик ва тактик вазифаларга хизмат қилувчи қонунлар яратилди ва яратилмоқда. Олий Мажлис 2001 йилдан буён жаҳон парламентлари, Ўзбекистон халқига бир неча маротаба мурожаатномалар қабул қилиб, уларда терроризм, экстремизмга ўз принципиал баҳосини берди, демократик мамлакатлар ва халқларни ҳамжиҳатликда курашга, ҳамкорликка, хавфсизлик чораларини мустаҳкамлашга чақирди. Мамлакат мудофааси, хавфсизлигини ташкил этиш ва таъминлашни кўзда тутган «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонун, XV сессия кун тартибига киритилиб, муҳокама қилинган «Экспорт назорати тўғрисида» ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашга тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари терроризмнинг яширин машъум кучи, уни қувватлантирувчи манбаларининг каналлари, томирлари ва пайларини қирқиш, қонли чангалини инсоният ва мамлакатимиз кўксидан олиб ташлашга қарши курашни ташкил этишнинг мажбурий назорат, ички назорат ва алоқадор шахсларни аниқлаш, идентификация қилиш каби чоратадбирлари ҳамда уларнинг меъёрлари белгиланган.

Назорат қонунлар доирасидаги назоратлардир. Демократик принцип ва тамойиллар амалда бўлган шароитда терроризмга қарши курашни назоратсиз тасаввур қилиб бўлмайди, албатта. Шунинг учун Қонунда таърифланган мажбурий назорат, ички назорат, шахс идентификацияси билан бирга жамоатчилик назоратини ҳам унутмаслигимиз зарур. Жамоатчилик иштироки ва муносабати бу ишларда ўта муҳим аҳамиятга эга.

Олий Мажлисимизнинг ўн бешинчи сессияси жиноий даромадларни легаллаштириш, терроризм ҳаракатларини молиялаштиришга қарши курашда давлатимизнинг стратегик ҳамда тактик вазифалари, кенг йўналишдаги чора-тадбирларини белгилаб, ҳаётга тадбиқ этишда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, унинг парламент фракцияси бу қонунларни маъқуллаб, уларни ҳаёт амалиётига киритишга ўз ҳиссасини қўшади.



Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзолари ва фаолларидан бир гуруҳи.
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар

ИСТИҚЛОЛ СЎЗИН АЙТСАМ

Ойдин ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоираси.

Истиқлол сўзин айтсам,
Кўксимда чинор ўсар,
Лайлаклар уя қурган
Бухорий минор ўсар.

Набирам лаҳжасида
Тоғдайин виқор ўсар,
Ғунчалар нафасидан
Жаннатий ифор эсар.

Қатраси дур ёмғирлар
Шивалаб, баҳор эсар,
Озода руҳ Тоҳирлар
Савлатида сор ўсар.

Чақмоқ урган тутларнинг
Бағрида дутор ўсар,
Бургутфеъл йигитларнинг
Кўкайида ор ўсар.

Бешикдаги бек болам
Ҳаққа ҳаводор ўсар.
Маликчўл — қутлуғ далам
Исириқ-тумор ўсар.

Шаҳидлар қалқиб бедор,
Тириклар ҳушёр ўсар,
Юртим юксалиб қирқ газ
Элим эркиёр ўсар.

Руҳлар — уйғоқ, шаън — уйғоқ
Тилимда алёр ўсар.
Истиқлол сўзин айтсам
Кўнглимиз минг бор ўсар.

***

Сўнди деманг, олов ўчса,
Кул остида чўғи бор.
Бу оташда кўклам шавқи,
Саратоннинг тиғи бор.

Бир учқуни сачраганда
Ҳўлу қуруқ ёнодир.
Ўт қорилган жисму танда
Гулханларга дўнодир.

Темирчининг босқонида
Очилгандай олов гул,
Тафти қайтган юрак қайта
Ловуллашга топар йўл.

Чўғ топаман тирикликдан,
Ўт излайман йўлимдан.
Юрагимнинг пилигига —
Куч оларман элимдан...

ИККИ ҚАТРА

1.

Ҳосили ўрилган далада-дай кўнгил,
Қўши, хирмонлари кўчган ва жим-жит.
Ёшлик қўшинлари ташлаб кетган йўл
Фурсат сўроғида наҳотки унут?

2.

Қари тол тагида мудрайди арслон.
Арилламас, ётар парвойи палак.
Бизники бўлар деб ўлжаю ўрмон
Ириллаб туради бир гала кўппак.

ВОСВОС

"Ўзини портлатганлар орасида ёш қиз ҳам бор эди..."
(Матбуот хабаридан).

Ўн гулидан очилмаган бир гули,
Сочи эди баҳорларнинг сумбули,
Бахт кўйлаги бичилмаган қизгина,
Қачон дилинг бўлди восвос манзили?

Алла айтсанг бешикларга ярашиқ,
Гул-райҳонли эшикларга ярашиқ,
Оқ сутини ерга соққанмиди-я,
Онанг йиғлар — куяр кўзу қорачиқ.

Қай ғофиллар бозорингни қизитди,
Умр деган гулзорингни қуритди,
Қадамингда гуллар унса бўлмасми,
Ўз элингда мозорингни қуритди.

Қаро ерга сочилган қон — дўзахий,
Ўз қавмидан чиққан инсон — дўзахий.
Аёл ахир халқнинг нажот-паноҳи,
Бу "шаҳидлик" Ҳаққа исён, дўзахий.

Нечун келдинг бу дунёга жавоб йўқ,
Нечун кетдинг ки бир хайру савоб йўқ,
Ер ёнади, ололмасдан лошингни,
Шаккокларга дея, хоки туроб йўқ...

КИМ БЎЛАР?

Ўз шоирин танимаган ким бўлар?
Қул бўлади, ғафлатга маҳкум бўлар.
Ҳасратида кўнгил олар кими йўқ,
Қувончида қанотсиз мардум бўлар.

Аждодларин ёди ўчгай дилидан,
Унутмишлар саҳросида қум бўлар.
Кўкайида ори унут, тили йўқ.
Бош-бути бор, ичи бўм-бўш хум бўлар.

Ўз элида қаддин букиб яшайди,
Ўзгаларга ликилловчи дум бўлар.
Тожу тахти топталади, хор бўлар.
Туғ-туғроси эшакка тўқум бўлар.

Мирзолари чўқмор тутиб гўр кавлар,
Гўрковлари мулкатга ҳоким бўлар.
Шоир элнинг дилда гавҳар тошидир.
Миллат қадди у бирлан қоим бўлар.

БАЙРАМГА ТУҲФА

Гулистон шаҳрида «Лола модел» Ўзбекистон — Америка — Туркия қўшма корхонаси фойдаланишга топширилди. Американинг «BRI», Туркиянинг «DOGUS» компаниялари ва «Лола» акционерлик жамияти қўшма корхона бош муассисларидир.

Янги корхона трикотаж маҳсулотлари, чунончи, катталар ва ёш болалар учун спорт майкалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, режага кўра ҳар йили етти миллион дона маҳсулот ишлаб чиқариш мўлжалланган.

Корхона чет эл компаниялари билан шартномалар имзолаб, 860 минг долларлик трикотаж товарлари турли мамлакатларда, биринчи навбатда АҚШ ва Туркия шаҳарларида сотилиши кўзда тутилган.

Корхонада вилоят маркази ва яқин атрофда жойлашган қишлоқлардан келган жами 1100 нафар хотин-қизлар меҳнат қилади. Уларга ҳар томонлама қулайлик яратиш учун корхона таъсисчилари қўлларидан келган ёрдамларини аяшмади. Янги жамоа аъзолари учун ошхона, тиббиёт пункти, ювиниш хоналари мавжуд.

Ислом ТИЛЛАБОЕВ.

Сўз - партия етакчиларига

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ: ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА



Лола САИДОВА,
юридик фанлари доктори

Демократик ҳуқуқий давлат қураётган Ўзбекистон сайловлар йилида яшамоқда. Давлатни идора этишда халқ вакилларини холисона сайлаш демократиянинг бош мезонларидан бири ҳисобланиши ҳозирги замонда умум эътироф этилган нормадир. Ўзбекистонда сайлов қонунчилигининг демократик принциплари, энг аввало, Асосий Қонунимиз — Конституцияда ўз ифодасини топди. Конституциявий нормалар асосида сайлов тизими ва қонунчилиги ҳам шакллана борди. Сайлов тизимининг принципларини Конституцияда ифодаланиши, айни пайтда, Ўзбекистонда сайлов тизими халқаро сайлов ҳуқуқи принципларига мослигини эътироф этди ва унинг амалда қўлланишини кафолатлади. 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги қонунда сайловларнинг кўп партиявийлик асосида олиб борилиши мустаҳкамланди. 1994 йилда "Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунида эса актив сайлов ҳуқуқи таъминланди ва сайлов ҳуқуқининг барча жиҳатлари халқаро стандартларга мувофиқ мослаштирилди.

Шундай қилиб, сайлов қонунчилиги ўтган 10 йилдан ортиқ вақт давомида мунтазам равишда такомиллашиб борди ва бугун Олий Мажлиснинг икки палатали тузилмаси шароитида сайлов қонунчилигига жуда кўп аниқликлар киритилди.

Жумладан, янги таҳрирдаги сайлов қонунчилигига биноан Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари доираси кенгайтирилди — уларга депутатларнинг ваколатларини ҳақиқий эмаслигини аниқлаш масаласи, сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар нормасини аниқлаш, янги таркиб топган Олий Мажлис палаталари мажлисини Раис ва Спикер сайлангунга қадар Марказий сайлов комиссиясининг Раиси бошқариши каби қоидалар киритилди. Шунингдек, кўрсаткич сайловчиларнинг ярмининг қатнашиши билан баҳоланар эди.

Бу янгиликлар жаҳондаги умум тан олинган сайлов ўтказиш стандартларига тўла мос келади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, депутатликка номзодлар кўрсатиш сиёсий партиялар, сайловчиларнинг ташаббус гуруҳлари орқали амалга оширилади. Ҳар бир партия Қонунчилик палатаси депутатлигига 120 та номзод кўрсатишга ҳақлидир ва шубҳасиз, бу ваколат партиялар фаолиятини фаоллаштириш масаласини кун тартибига қўяди.

Сайлов қонунчилиги бевосита сиёсий партияларнинг шаклланиши, иш услубининг янги жабҳаларига эътибор қилишни тақозо этмоқда. Бу ўз навбатида партияларнинг соғлом рақобат муҳитини шакллантишига, олий вакиллик органидан кўпроқ жой эгаллашга интилишини кучайишига олиб келади.

Хўш, сайлов қонунчилиги борасидаги халқаро андозалар қандай принципларга асосланади, деган савол туғилиши табиий, албатта. Бу борада халқаро сайлов принциплари қуйидагиларни ташкил этади:

1) сайловларни очиқлик ва ошкоралик шароитида ўтишини таъминлаш;

2) сайловларнинг эркин ўтишини таъминлаш;

3) чинакам, ҳақиқий сайловларни ўтказиш;

4) адолатли сайловлар шароитини таъмин этиш;

5) сайловларни мустақил сайлов комиссиялари томонидан ўтказилиши;

6) сайловларда сиёсий партиялар номзодларининг қатнашуви ва сайлов олди компаниясининг давлат томонидан молиялаштирилиши;

7) сайловларнинг ёритилиши ва ташвиқот фаолиятини юргизишда давлатнинг кўмаклашуви;

8) сайловларда миллий ва халқаро кузатувчиларнинг иштироки;

9) фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганда арз қилиш ва жавобгарлик кўзда тутилганлиги;

10) сайлов иштирокчиларини камситмаслик принципи.

(Давоми 2-бетда).

ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИ МУБОРАК БЎЛСИН!

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ: ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сайлов ҳуқуқининг халқаро принциплари демократик, эркин ва адолатли сайловлар ўтказилишининг асосий шартлари деб баҳоланади. Албатта, эркин сиёсий рақобат, жамиятни демократик асосларда бошқариш сайлов қонунчилигига бир қатор талабларни қўяди. Бу талаблар халқаро ҳамжамиятлар БМТ, ЕҲҲТ, ЕИ, Халқаро сайлов тизимлари фонди ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан қўйиладиган мезонлар бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир:

— умумий сайлов ҳуқуқи, яъни актив сайлов ҳуқуқини таъминлаш;

— тенг асослардаги сайлов ҳуқуқини шакллантириш;

— эркин овоз бериш;

— тўғридан-тўғри овоз бериш;

— ёпиқ овоз бериш ҳуқуқини таъмин этишдир.

Демократик сайловлар тўғрисидаги андозалар Европада Ҳамкорлик ва Хавфсизлик Ташкилотининг 1990 йилги "Инсоний мезонлар тўғрисида"ги Копенгаген ҳужжатида ўз ифодасини топган. Унга кўра, энг аввало эркин сайловлар оқилона муддатларда ўтказилиши, иккинчидан — номзодларга эркин рақобат курашининг таъминланиши, учинчидан — умумий ва тенг сайлов ҳуқуқига кафолат берилиши, тўртинчидан — овоз беришнинг холисона ўтиш тартибини белгилаш, бешинчидан — овозларни ва маълумотларни ҳисоблаш ҳаққоний бўлиши, олтинчидан — расмий натижалар эълон қилиниши, еттинчидан — сиёсий партиялар тенглик асосида эркин рақобат қилишини кафолатлаш, саккизинчидан — оммавий ахборот воситаларидан қаршиликсиз ва тўсиқларсиз фойдаланиш,тўққизинчидан — қонунда белгиланган миқдордаги овозни олган номзодларга белгиланган тартибда вазифаларини бажаришга киришишни таъминлаш лозимлиги талаб этилади.

Сайловларни кузатиш тартибига келсак, халқаро андозаларга кўра кузатувчилар қуйидаги ҳолатларга эътибор беришлари талаб этилади. Энг аввало:

— маҳаллий сайлов комиссияларининг сайловларда холислиги;

— сиёсий партияларнинг бирлашиш йиғилиш оммага ўз фикрини етказиш эркинлиги;

— сиёсий партияларнинг сайлов жараёнининг барча босқичларида ўз кузатувчиларига эга бўлиш имконияти;

— сиёсий партияларнинг оммавий ахборот воситаларига чеклашсиз мурожаат қилиши;

— сайловчиларни рўйхатга олиш жараёнида жинсига кўра турли хил камситиш ва чеклашларга йўл қўйилмаслиги;

— сайлов жараёнида инсон ҳуқуқлари ва айниқса аёллар ҳуқуқлари бузилмаслигини таъминланганлиги;

— овоз бериш ва овозларнинг ҳисобланишини ташкил этилиши муҳим жараёнлардир.

Бу мезонлар ҳам Копенгаген ҳужжатида ўз ифодасини топган. Юқорида зикр этилган халқаро меъёрлар ҳар бир давлатнинг миллий сайлов қонунчилигини такомиллаштиради, унга юқори талаблар қўяди. Зеро, ҳар бир давлат бу меъёрларни ўз ижтимоий ва сиёсий инфраструктураси, аҳолининг демографик хусусиятлари, сиёсий муҳитнинг ўзига хосликлари каби бир қатор омилларни ҳисобга олган ҳолда ўзлаштиради.

Халқаро меъёрлар Ўзбекистон миллий қонунчилигига қуйидагича мустаҳкамланган. Янги таҳрирдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонунда сайлов тизимининг асосий принциплари ифодаланган, чунончи, Қонуннинг 2-моддасида фуқаронинг сайлов ҳуқуқи — актив сайлов ҳуқуқи ва сайланиш ҳуқуқи — пассив сайлов ҳуқуқи мустаҳкамланди. Умумий ва тенг асослардаги сайлов ҳуқуқи ҳеч қандай камситишларсиз тўлақонли ифодаланган. Тенг сайлов ҳуқуқи, Қонуннинг 3-моддасида, Конституциямизнинг 117-моддасида ҳар бир фуқарога берилган. Тенглик принципи билан бир қаторда эркин танлов ҳуқуқи ҳам ифодаланган.

Тўғридан-тўғри сайлаш ҳуқуқи, ёпиқ овоз бериш ҳуқуқлари ҳам Олий Мажлисга сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 4-моддасида кўрсатилган. Айни пайтда сайловларнинг мунтазамлигини таъминлаш мамлакатимизда Конституциявий норма бўлиб, у ҳар беш йилда амалга оширилади.

Сайловларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш масаласи Қонуннинг 6-моддасида кафолатланиб, у сайлов комиссиялари ишини ташкил этишда, сайловлар ўтказиш тўғрисидаги барча маълумотларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб боришдаги қонун кафолатларида берилган. Эркин сайлов принципига келсак, сайлов қонунчилигимизда фуқароларнинг сайловда қатнашиш эркинлиги ва ихтиёрийлиги белгилаб қўйилган. Унга кўра ҳеч ким мажбуран ёки зўрлаб овоз беришга даъват қилиниши мумкин эмас.

Сайловларнинг ҳақиқийлигини ва холислигини таъминлаш Олий Мажлисга сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 2, 3, 6, 9, 20, 23, 27, 33, 41, 44, 64-моддаларида ўз ифодасини топган.

Халқаро андозаларга кўра, сайловларнинг мустақил сайлов комиссиялари томонидан ўтказилиши, сайлов билан боғлиқ барча тадбирлар ва амалларни бажариш 1998 йилги Ўзбекистон Республикасининг "Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Қонуни билан тартибга солинади.

Халқаро сайлов принципларида, шунингдек, сайлов компаниясини ва сиёсий партияларнинг сайловлардаги фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш кўзда тутилган, бу масала ҳам республикамиз қонунчилигида тегишлича акс этган. Депутатликка номзодларни молиявий қўллаш бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Айнан давлат сайловларни ёритиш, номзодлар сиёсий партияларнинг фаолиятини тарғибот-ташвиқот қилишларни қўллаб-қувватлайди.

Шу ўринда эслатиб ўтиш жоизки, мамлакатимизда сайловда қатнашувчи барча номзодларга, сиёсий партияларга адолатли ва тенг шароитлар яратилиши, давлатнинг барча фуқароларига, сиёсий партиялар, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларига қонун доирасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришни давлат таъминлайди. Сайлов жараёнида маҳаллий ва халқаро кузатувчиларнинг иштирокига йўл очиб берилган, улар Марказий сайлов комиссиясининг аккредитациясидан ўтгандан кейин сайлов жараёнларини кузатиши мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон сайлов қонунчилиги халқаро сайлов принципларига амал қилади ва ички қонунчилик тизими бу принципларни сайлов жараёнида қўллайди.

Албатта, ҳар биримизнинг сайлов ҳуқуқларимизни нечоғлик адо этишимиз, уни яхши билишимиз ва унга бефарқ бўлмаслигимиз сайлов жараёнини муваффақиятли ўтишининг гаровидир. Жамиятимизга демократик тамойиллар сингиб бораётган бугунги кунда сайловларнинг бошқарув тизимларини шакллантиришдаги моҳияти ошиб боради ва у чинакам халқ ҳокимиятини адо этишга хизмат қилади.

УЧРАШУВЛАР, МУЛОҚОТЛАР

Партия ахбороти

ЎзМТДП етакчилари Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги муносабати билан жойларда байрам учрашувлари ўтказмоқдалар. Оҳангарон тумани Собир Раҳимов жамоа хўжалиги дала шийпонида «Самир» қишлоғи меҳнаткашлари билан ана шундай учрашув бўлиб ўтди. 200 киши иштирокида ўтган ушбу тадбирда ЎзМТДП раиси И. Ғафуров, «Аёллар қаноти» етакчилари Ш. Салимова, Г. Боқиевалар йиғилганларни байрам билан қутлаб, Мустақиллигимиз аҳамияти ҳақида сўзладилар, партия ва бўлажак сайловлар мавзусида мулоқот қилдилар. Қуйичирчиқ туманида ҳам Ш. Салимова иштирокида ана шундай учрашувлар бўлиб ўтди.

***

Тошкент шаҳар Сирғали туман кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди. Тошкент молия иқтисод коллежи услубчиси Ғанижон Юсупов йиғилишда Сирғали туман кенгаши раиси этиб сайланди.

***

Тошкент шаҳрининг барча туман кенгашларида партия ҳисоб рақамларини очиш ниҳоясига етмоқда. Яқинда шаҳар кенгаш раиси вазифасини бажарувчи қилиб сайланган Хайриниссо Мирзажонованинг ташкилотчилиги туманларда кадрлар ишини яхшилашда яққол кўринмоқда.

***

Самарқанд вилояти кенгаши маҳаллаларда аёллар билан мулоқотлар ўтказиш, маҳаллаларда партия ячейкаларини тузишга жиддий эътибор берилмоқда. Самарқанд шаҳридаги «Сўзангарон-2» маҳалласида партия етакчилари Зебо Қодирова, Абдуқаюм Каримовлар маҳалла аҳли билан учрашди. Маҳаллада партия ячейкаси тузилди. Худди шундай тадбирлар «Мулиёна» ва «Қавола» маҳаллаларида ҳам ўтказилиб ячейкалар тузилди.

***

Фарғона шаҳар кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни шаҳар Кенгаши раиси Шавкат Тўйчиев олиб борди. Сайловолди жараёнларга тайёргарлик мавзусига бағишланган ушбу йиғилишда Олий Мажлис депутати Раҳматали Жалилов қатнашди ва сўзга чиқди.

***

Фарғона вилоятидаги барча партиялар кенгашлари билан вилоят «Маънавият ва маърифат» кенгаши ҳамкорликда Мустақиллигимизнинг 13 йиллигига бағишланган «Шу азиз Ватан барчамизники» номли туманлараро фестивал ўтказилмоқда. А. Фарғоний номли истироҳат боғида ўтаётган ушбу фестивалда ҳар бир туман вакиллари мустақиллик йилларида эришган ютуқларни намойиш этмоқдалар.

***

Қорақалпоғистон Республикаси Марказий кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда сайловолди жараёнларга тайёргарлик, байрамни муносиб кутиб олиш ва бошқа ташкилий масалалар кўрилди. Унда кенгаш раиси Зинатдин Есенбоев сўзга чиқиб бу борадаги муҳим вазифаларга тўхталди.

***

Жиззах вилояти Зафаробод туман кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жойларда партия ячейкаларини тузиш, сайловолди жараёнларга тайёргарлик ва бошқа масалалар кўриб чиқилди. Худди шундай йиғилишлар Фориш тумани, Пахтакор туман кенгашларида ҳам бўлиб ўтди. Барча йиғилишларда вилоят кенгаши раиси Абдуғафур Маматов қатнашди ва сўзга чиқди.

***

Жиззах вилоят кенгаши раиси А. Маматов Пахтакор туманидаги бир неча маҳаллаларда бўлиб маҳаллалар аҳли билан мулоқотлар қилди. «Навбаҳор» ва «Пахтакор» маҳаллалари ҳамда «Оқбулоқ» жамоа хўжалигида қишлоқ меҳнаткашлари билан учрашди.

***

Андижон вилоят кенгаш раиси Абдурашид Тўхтабоев вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари билан Мустақиллигимизнинг 13 йиллигига бағишлаб қизиқарли учрашув ўтказди. «Мустақиллик одимлари. Ютуқлар ва муаммолар» мавзусида бўлиб ўтган ушбу учрашувда 300 дан зиёд киши иштирок этди. Шунингдек, А.Тўхтабоев Бўз тумани, Хонобод шаҳрида ҳам шу мавзу билан учрашувлар ўтказди.

***

Қорақалпоғистон Республикаси туман кенгашларининг сайловолди жараёнларга тайёргарлик юзасидан йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Чимбой тумани, Нукус шаҳри, Қўнғирот тумани, Элликқалъа туманларида ўтказилган шундай йиғинларда марказий кенгаш раиси Зинатдин Есенбоев қатнашди ва сўзга чиқди.

(Ўз мухбиримиз).




МИЛЛАТНИ ФИДОЙИЛАР ТИКЛАЙДИ

Наманганда «Миллий тикланиш» партиясининг Мустақиллик байрамига бағишланган тадбирлари бўлиб ўтди.


Поп туманидаги Маданият саройига санъат ва адабиёт мухлислари йиғилган. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Поп тумани ҳокимлиги ҳамкорликда таниқли мусаввир Ортиқали Қозоқовнинг «Хаёлот ранглари» номли кўргазмасини ташкил этди. Бу галги кўргазма рассом учун ҳам, попликлар учун ҳам алоҳида қадрли эди. Дунёнинг энг нуфузли шаҳарларини кезиб чиққан ёрқин ва мазмундор асарлар кўргазмаси мусаввирнинг туғилган юртида бўлиб ўтмоқда эди. Кўргазмага қўйилган хаёл ва илҳом маҳсули бўлмиш асарлар орасида наманганлик меҳнат фахрийлари, оддий қишлоқ аёллари, она тимсоли, Наманган гуллари ихлосмандларга ҳаёт ва абадият ҳақидаги қўшиқдай сеҳрли туюларди. Кўргазмани Поп тумани ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Рустам Исматуллаев очди. Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева, «Миллий тикланиш» партиясининг фаоллари Жаннатой Тошматова, Мунира Қориева, мусаввирнинг биринчи муаллимларидан Саломат Бегматова ва таниқли академик рассомлар маънавият ҳаётсеварлик, олижаноблик, гўзаллик ва нафосатга бойлиги барчани мафтун этди.

Мусаввир ўз сўзида наманганлик замондошларининг янги портретларини, бугун далаларда меҳнат қилаётган захматкаш опа-сингилларимиз, азиз чеҳраларини яратишни ўз фарзандлик бурчим, деб алоҳида таъкидлади. Кечқурун Попнинг хушхаво сайилгоҳида «Миллий тикланиш» партиясининг тадбири туманда ўтказилаётган «Маҳалламнинг бир куни» байрам тадоригига қўшилиб кетди. Сайилгоҳда чироқларнинг шуълаларида минг турли шарлар осмондаги ойдай сузиб юрар, шамол учирган шарларнинг ортидан болакайлар шавқ билан югурар, саҳнага чиққан ҳар бир сўзловчи, нотиқни болаларга хос қизиқиш билан кутиб олардилар. Тадбирда «Миллий тикланиш» партиясининг сайловолди дастури, партия амалга ошираётган ишлар ва унинг мақсад, моҳияти ҳақида партия фаолларидан О. Қозоқов, Ж. Тошматова, М. Қориева, О. Ҳожиевалар сўзлаб беришди. Томошабинлар минбарга чиққан Ўзбекистон Миллий университети қошидаги «Воввозлар» шоу-театрини қизғин кутиб олишди. Туманнинг ёшлари ҳайқириб, гулдурос қарсаклар чалиб, кексалар эса дуо билан «Шоввозлар»ни қайта-қайта олқишладилар.



Ватан мустақиллигининг 13 йиллигига бағишланган «Маҳаллам нинг бир куни» тадбирида бу оқшом Ҳамза маҳалласи мезбонлик қиларди. Бу тадбирда ўтмиш ва бугунги кун, келажак ҳақида ажойиб саҳналар, кўринишлар ўзига хос тайёргарлик бормоқда. Вақт тиғиз, деҳқончилик маданиятини кўтариш, меҳнат маданиятини оширишни кўп ўйлаяпмиз. Меҳнат қилиш ҳар бир одам учун қалб эҳтиёжига айланса, барча баравар жон куйдириб ишласа, ана ўшанда халқ, миллат юксалади. Эл-юртда фаровонлик, маъмурчилик бўлади, — дейди Чуст тумани ҳокими Баҳодиржон Юсупов ва бизни «Сабзазор» ширкат хўжалиги дала шийпонига бошлайди. Ёз офтобида чеҳралари қорайган, кўзлари чақнаган, соғлом опа-сингиллар самимиятидан севинамиз. Мустақиллик шарофати билан пайдо бўлган фермер деган атама ва фермер бўлган мулкдорнинг ўзи замон билан юксалаётганидан севинамиз. Баҳодиржон Юсупов меҳмонларни таништирар экан, мамлакатимизда бўладиган катта сиёсий тадбир, икки палатали парламентга сайловлар ва сиёсий партиялар ҳақида ҳам сўзлайди.

Педагогика фанлари номзоди, «Миллий тикланиш» партиясининг «Ёшлар қаноти» раҳбари Жаннатой Тошматова бу йилги сайловларнинг ўзига хослиги ва партиямизнинг дастури ҳақида соддагина қилиб тушунтириб беради. Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиеванинг деҳқон қизларимиз, меҳнаткаш опа-сингилларимиз ҳақидаги шеърлари далаларни тўлдириб янграйди. Ортиқали Қозоқов ўз сўзида бугунги кунда давлатимиз томонидан маънавиятга, миллий тикланишга берилаётган эътибор ҳақида



Йўлимиз Чуст туманига тушди. Туманнинг маданият ва истироҳат боғидаги катта байрам тадбирлари ёшу қарини жамлаган, бир ёкда дорбозлар, бир ёкда ёш эстрада хонандалари, бир ёкда болалар учун арғимчоқлар айланиб турибди. Кўп минг аҳолиси бўлган Чуст туманида сувни мисқоллаб ишлатишар экан, сув тансиқ бўлса-да, ҳаммаёқ гулзор, яшиллик.

— Туманимиз аҳолисининг 80 фоизи насосдан сув ичади. Бу эса электр, пул, қанча ишчи кучи дегани. Шарқираб турган Ғовасойнинг суви ёзда тугайди, энди бор имкониятдан фойдаланиб, сувни тежаб ишлатамиз. Туманимизда 90 та фермер хўжалиги бор. Ҳар шанба битта фермер хўжалигида йиғилиб, ютуқларни, камчиликларни сарҳисоб қиламиз. Сифат гуруҳлари ишлаб туради. Ҳозир ҳамма жойда ободончилик, байрамга қизғин тайёргарлик бормоқда. Вақт тиғиз, деҳқончилик маданиятини кўтариш, меҳнат маданиятини оширишни кўп ўйлаяпмиз. Меҳнат қилиш ҳар бир одам учун қалб эҳтиёжига айланса, барча баравар жон куйдириб ишласа, ана ўшанда халқ, миллат юксалади. Эл-юртда фаровонлик, маъмурчилик бўлади, — дейди Чуст тумани ҳокими Баҳодиржон Юсупов ва бизни «Сабзазор» ширкат хўжалиги дала шийпонига бошлайди. Ёз офтобида чеҳралари қорайган, кўзлари чақнаган, соғлом опа-сингиллар самимиятидан севинамиз. Мустақиллик шарофати билан пайдо бўлган фермер деган атама ва фермер бўлган мулкдорнинг ўзи замон билан юксалаётганидан севинамиз. Баҳодиржон Юсупов меҳмонларни таништирар экан, мамлакатимизда бўладиган катта сиёсий тадбир, икки палатали парламентга сайловлар ва сиёсий партиялар ҳақида ҳам сўзлайди.

Педагогика фанлари номзоди, «Миллий тикланиш» партиясининг «Ёшлар қаноти» раҳбари Жаннатой Тошматова бу йилги сайловларнинг ўзига хослиги ва партиямизнинг дастури ҳақида соддагина қилиб тушунтириб беради. Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиеванинг деҳқон қизларимиз, меҳнаткаш опа-сингилларимиз ҳақидаги шеърлари далаларни тўлдириб янграйди. Ортиқали Қозоқов ўз сўзида бугунги кунда давлатимиз томонидан маънавиятга, миллий тикланишга берилаётган эътибор ҳақида ҳаёлга толиб, инсон ақли ва қўлларининг нақадар мўъжизакор куч эканига амин бўлишди. Ердан илдиз отиб чиққан ҳар бир майса, ғунчалаган ҳар бир гулдан ҳаёт ва муҳаббат нафаси балқиб тургандай, мусаввир чизган портретларнинг улуғворлик, ҳақида, халқимизнинг миллий қадриятлари хусусида самимий сўзладилар. Мусаввирнинг онаси Ризвонгул аянинг сўзларини мухлислар қизиқиб тингладилар. Кўргазма очилиши дўстларнинг дийдорлашуви, улуғ байрам олдидаги дўстона суҳбат ва мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган улкан ижтимоий, сиёсий воқеаларга муносабат даврасига айланди. Ҳар бир сурат олдида томошабинлар узоқ вақт ланган эди. «Энг ибратли келинчак», «Энг ибратли бола», «Энг одил қайнона», «Энг чевар қиз», «Энг сочи узун қизлар», «Энг ҳозиржавоб ёшлар» каби ёшлар дунёси, орзулари акс этган саҳна томошалари жуда мазмунли, таъсирчан эди. Бугуннинг ёшлари жуда ўзгариб, замонга мос ҳаракатчан, фаол ва шиддатли бўлиб кетишибди. Либослар кўргазмасини кўрсангиз энг моҳир дизайнерлар ижодидан кам эмаслигига ишонасиз. Ҳаётимизда учрайдиган турли камчиликларни ҳам ёшлар қойилмақом қилиб «савалаб» қўйишни биларканлар. Попда партиямизнинг олижаноб ғояларига хайрихоҳлик кўп эканига ишонч ҳосил қилдик.

— Поп туманида 67 та мактаб, 2 та лицей, 2 та интернат, 54 та мактабгача таълим муассасаси мавжуд. Мактабларни қайта қуриб ўқув йилига тайёрладик. Бу мактабларни таъмирлашда давлат бюджетидан 40 миллион пул сарфланган бўлса, қолган барча харажатларни ҳомийлар кўтарди. Мактаблар чиройли, замонавий бўлиб боряпти. Халқимиз болалари ўқийдиган билим масканларининг замон талабида бўлиши учун ўзлари ҳам ҳаракат қиляптилар. Тикланаётган миллатнинг ўз келажагига, келажак наслларига муносабати тубдан ўзгармоқда, — дейди Поп тумани халқ таълими бўлими мудири Музофотхон Аҳмедова.

Йўлимиз Чуст туманига тушди. Туманнинг маданият ва истироҳат боғидаги катта байрам тадбирлари ёшу қарини жамлаган, бир ёкда дорбозлар, бир ёкда ёш эстрада хонандалари, бир ёкда болалар учун арғимчоқлар айланиб турибди. Кўп минг аҳолиси бўлган Чуст туманида сувни мисқоллаб ишлатишар экан, сув тансиқ бўлса-да, ҳаммаёқ гулзор, яшиллик.

— Туманимиз аҳолисининг 80 фоизи насосдан сув ичади. Бу эса электр, пул, қанча ишчи кучи дегани. Шарқираб турган Ғовасойнинг суви ёзда тугайди, энди бор имкониятдан фойдаланиб, сувни тежаб ишлатамиз. Туманимизда 90 та фермер хўжалиги бор. Ҳар шанба битта фермер хўжалигида йиғилиб, ютуқларни, камчиликларни сарҳисоб қиламиз. Сифат гуруҳлари ишлаб туради. Ҳозир ҳамма жойда ободончилик, байрамга қизғин тайёргарлик бормоқда. Вақт тиғиз, деҳқончилик маданиятини кўтариш, меҳнат маданиятини оширишни кўп ўйлаяпмиз. Меҳнат қилиш ҳар бир одам учун қалб эҳтиёжига айланса, барча баравар жон куйдириб ишласа, ана ўшанда халқ, миллат юксалади. Эл-юртда фаровонлик, маъмурчилик бўлади, — дейди Чуст тумани ҳокими Баҳодиржон Юсупов ва бизни «Сабзазор» ширкат хўжалиги дала шийпонига бошлайди. Ёз офтобида чеҳралари қорайган, кўзлари чақнаган, соғлом опа-сингиллар самимиятидан севинамиз. Мустақиллик шарофати билан пайдо бўлган фермер деган атама ва фермер бўлган мулкдорнинг ўзи замон билан юксалаётганидан севинамиз. Баҳодиржон Юсупов меҳмонларни таништирар экан, мамлакатимизда бўладиган катта сиёсий тадбир, икки палатали парламентга сайловлар ва сиёсий партиялар ҳақида ҳам сўзлайди.

Педагогика фанлари номзоди, «Миллий тикланиш» партиясининг «Ёшлар қаноти» раҳбари Жаннатой Тошматова бу йилги сайловларнинг ўзига хослиги ва партиямизнинг дастури ҳақида соддагина қилиб тушунтириб беради. Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиеванинг деҳқон қизларимиз, меҳнаткаш опа-сингилларимиз ҳақидаги шеърлари далаларни тўлдириб янграйди. Ортиқали Қозоқов ўз сўзида бугунги кунда давлатимиз томонидан маънавиятга, миллий тикланишга берилаётган эътибор ҳақида ҳаёлга толиб, инсон ақли ва қўлларининг нақадар мўъжизакор куч эканига амин бўлишди. Ердан илдиз отиб чиққан ҳар бир майса, ғунчалаган ҳар бир гулдан ҳаёт ва муҳаббат нафаси балқиб тургандай, мусаввир чизган портретларнинг улуғворлик, ҳақида, халқимизнинг миллий қадриятлари хусусида самимий сўзладилар. Мусаввирнинг онаси Ризвонгул аянинг сўзларини мухлислар қизиқиб тингладилар. Кўргазма очилиши дўстларнинг дийдорлашуви, улуғ байрам олдидаги дўстона суҳбат ва мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган улкан ижтимоий, сиёсий воқеаларга муносабат даврасига айланди. Ҳар бир сурат олдида томошабинлар узоқ вақт ланган эди. «Энг ибратли келинчак», «Энг ибратли бола», «Энг одил қайнона», «Энг чевар қиз», «Энг сочи узун қизлар», «Энг ҳозиржавоб ёшлар» каби ёшлар дунёси, орзулари акс этган саҳна томошалари жуда мазмунли, таъсирчан эди. Бугуннинг ёшлари жуда ўзгариб, замонга мос ҳаракатчан, фаол ва шиддатли бўлиб кетишибди. Либослар кўргазмасини кўрсангиз энг моҳир дизайнерлар ижодидан кам эмаслигига ишонасиз. Ҳаётимизда учрайдиган турли камчиликларни ҳам ёшлар қойилмақом қилиб «савалаб» қўйишни биларканлар. Попда партиямизнинг олижаноб ғояларига хайрихоҳлик кўп эканига ишонч ҳосил қилдик.

— Поп туманида 67 та мактаб, 2 та лицей, 2 та интернат, 54 та мактабгача таълим муассасаси мавжуд. Мактабларни қайта қуриб ўқув йилига тайёрладик. Бу мактабларни таъмирлашда давлат бюджетидан 40 миллион пул сарфланган бўлса, қолган барча харажатларни ҳомийлар кўтарди. Мактаблар чиройли, замонавий бўлиб боряпти. Халқимиз болалари ўқийдиган билим масканларининг замон талабида бўлиши учун ўзлари ҳам ҳаракат қиляптилар. Тикланаётган миллатнинг ўз келажагига, келажак наслларига муносабати тубдан ўзгармоқда, — дейди Поп тумани халқ таълими бўлими мудири Музофотхон Аҳмедова.

Йўлимиз Чуст туманига тушди. Туманнинг маданият ва истироҳат боғидаги катта байрам тадбирлари ёшу қарини жамлаган, бир ёкда дорбозлар, бир ёкда ёш эстрада хонандалари, бир ёкда болалар учун арғимчоқлар айланиб турибди. Кўп минг аҳолиси бўлган Чуст туманида сувни мисқоллаб ишлатишар экан, сув тансиқ бўлса-да, ҳаммаёқ гулзор, яшиллик.

— Туманимиз аҳолисининг 80 фоизи насосдан сув ичади. Бу эса электр, пул, қанча ишчи кучи дегани. Шарқираб турган Ғовасойнинг суви ёзда тугайди, энди бор имкониятдан фойдаланиб, сувни тежаб ишлатамиз. Туманимизда 90 та фермер хўжалиги бор. Ҳар шанба битта фермер хўжалигида йиғилиб, ютуқларни, камчиликларни сарҳисоб қиламиз. Сифат гуруҳлари ишлаб туради. Ҳозир ҳамма жойда ободончилик, байрамга қизғин тайёргарлик бормоқда. Вақт тиғиз, деҳқончилик маданиятини кўтариш, меҳнат маданиятини оширишни кўп ўйлаяпмиз. Меҳнат қилиш ҳар бир одам учун қалб эҳтиёжига айланса, барча баравар жон куйдириб ишласа, ана ўшанда халқ, миллат юксалади. Эл-юртда фаровонлик, маъмурчилик бўлади, — дейди Чуст тумани ҳокими Баҳодиржон Юсупов ва бизни «Сабзазор» ширкат хўжалиги дала шийпонига бошлайди. Ёз офтобида чеҳралари қорайган, кўзлари чақнаган, соғлом опа-сингиллар самимиятидан севинамиз. Мустақиллик шарофати билан пайдо бўлган фермер деган атама ва фермер бўлган мулкдорнинг ўзи замон билан юксалаётганидан севинамиз. Баҳодиржон Юсупов меҳмонларни таништирар экан, мамлакатимизда бўладиган катта сиёсий тадбир, икки палатали парламентга сайловлар ва сиёсий партиялар ҳақида ҳам сўзлайди.

Педагогика фанлари номзоди, «Миллий тикланиш» партиясининг «Ёшлар қаноти» раҳбари Жаннатой Тошматова бу йилги сайловларнинг ўзига хослиги ва партиямизнинг дастури ҳақида соддагина қилиб тушунтириб беради. Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиеванинг деҳқон қизларимиз, меҳнаткаш опа-сингилларимиз ҳақидаги шеърлари далаларни тўлдириб янграйди. Ортиқали Қозоқов ўз сўзида бугунги кунда давлатимиз томонидан маънавиятга, миллий тикланишга берилаётган эътибор ҳақида ҳаёлга толиб, инсон ақли ва қўлларининг нақадар мўъжизакор куч эканига амин бўлишди. Ердан илдиз отиб чиққан ҳар бир майса, ғунчалаган ҳар бир гулдан ҳаёт ва муҳаббат нафаси балқиб тургандай, мусаввир чизган портретларнинг улуғворлик, ҳақида, халқимизнинг миллий қадриятлари хусусида самимий сўзладилар. Мусаввирнинг онаси Ризвонгул аянинг сўзларини мухлислар қизиқиб тингладилар. Кўргазма очилиши дўстларнинг дийдорлашуви, улуғ байрам олдидаги дўстона суҳбат ва мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган улкан ижтимоий, сиёсий воқеаларга муносабат даврасига айланди. Ҳар бир сурат олдида томошабинлар узоқ вақт ланган эди. «Энг ибратли келинчак», «Энг ибратли бола», «Энг одил қайнона», «Энг чевар қиз», «Энг сочи узун қизлар», «Энг ҳозиржавоб ёшлар» каби ёшлар дунёси, орзулари акс этган саҳна томошалари жуда мазмунли, таъсирчан эди. Бугуннинг ёшлари жуда ўзгариб, замонга мос ҳаракатчан, фаол ва шиддатли бўлиб кетишибди. Либослар кўргазмасини кўрсангиз энг моҳир дизайнерлар ижодидан кам эмаслигига ишонасиз. Ҳаётимизда учрайдиган турли камчиликларни ҳам ёшлар қойилмақом қилиб «савалаб» қўйишни биларканлар. Попда партиямизнинг олижаноб ғояларига хайрихоҳлик кўп эканига ишонч ҳосил қилдик.

— Поп туманида 67 та мактаб, 2 та лицей, 2 та интернат, 54 та мактабгача таълим муассасаси мавжуд. Мактабларни қайта қуриб ўқув йилига тайёрладик. Бу мактабларни таъмирлашда давлат бюджетидан 40 миллион пул сарфланган бўлса, қолган барча харажатларни ҳомийлар кўтарди. Мактаблар чиройли, замонавий бўлиб боряпти. Халқимиз болалари ўқийдиган билим масканларининг замон талабида бўлиши учун ўзлари ҳам ҳаракат қиляптилар. Тикланаётган миллатнинг ўз келажагига, келажак наслларига муносабати тубдан ўзгармоқда, — дейди Поп тумани халқ таълими бўлими мудири Музофотхон Аҳмедова.

Йўлимиз Чуст туманига тушди. Туманнинг маданият ва истироҳат боғидаги катта байрам тадбирлари ёшу қарини жамлаган, бир ёкда дорбозлар, бир ёкда ёш эстрада хонандалари, бир ёкда болалар учун арғимчоқлар айланиб турибди. Кўп минг аҳолиси бўлган Чуст туманида сувни мисқоллаб ишлатишар экан, сув тансиқ бўлса-да, ҳаммаёқ гулзор, яшиллик.

— Туманимиз аҳолисининг 80 фоизи насосдан сув ичади. Бу эса электр, пул, қанча ишчи кучи дегани. Шарқираб турган Ғовасойнинг суви ёзда тугайди, энди бор имкониятдан фойдаланиб, сувни тежаб ишлатамиз. Туманимизда 90 та фермер хўжалиги бор. Ҳар шанба битта фермер хўжалигида йиғилиб, ютуқларни, камчиликларни сарҳисоб қиламиз. Сифат гуруҳлари ишлаб туради. Ҳозир ҳамма жойда ободончилик, байрамга қизғин тайёргарлик бормоқда. Вақт тиғиз, деҳқончилик маданиятини кўтариш, меҳнат маданиятини оширишни кўп ўйлаяпмиз. Меҳнат қилиш ҳар бир одам учун қалб эҳтиёжига айланса, барча баравар жон куйдириб ишласа, ана ўшанда халқ, миллат юксалади. Эл-юртда фаровонлик, маъмурчилик бўлади, — дейди Чуст тумани ҳокими Баҳодиржон Юсупов ва бизни «Сабзазор» ширкат хўжалиги дала шийпонига бошлайди. Ёз офтобида чеҳралари қорайган, кўзлари чақнаган, соғлом опа-сингиллар самимиятидан севинамиз. Мустақиллик шарофати билан пайдо бўлган фермер деган атама ва фермер бўлган мулкдорнинг ўзи замон билан юксалаётганидан севинамиз. Баҳодиржон Юсупов меҳмонларни таништирар экан, мамлакатимизда бўладиган катта сиёсий тадбир, икки палатали парламентга сайловлар ва сиёсий партиялар ҳақида ҳам сўзлайди.

Педагогика фанлари номзоди, «Миллий тикланиш» партиясининг «Ёшлар қаноти» раҳбари Жаннатой Тошматова бу йилги сайловларнинг ўзига хослиги ва партиямизнинг дастури ҳақида соддагина қилиб тушунтириб беради. Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиеванинг деҳқон қизларимиз, меҳнаткаш опа-сингилларимиз ҳақидаги шеърлари далаларни тўлдириб янграйди. Ортиқали Қозоқов ўз сўзида бугунги кунда давлатимиз томонидан маънавиятга, миллий тикланишга берилаётган эътибор ҳақида ҳаёлга толиб, инсон ақли ва қўлларининг нақадар мўъжизакор куч эканига амин бўлишди. Ердан илдиз отиб чиққан ҳар бир майса, ғунчалаган ҳар бир гулдан ҳаёт ва муҳаббат нафаси балқиб тургандай, мусаввир чизган портретларнинг улуғворлик, ҳақида, халқимизнинг миллий қадриятлари хусусида самимий сўзладилар. Мусаввирнинг онаси Ризвонгул аянинг сўзларини мухлислар қизиқиб тингладилар. Кўргазма очилиши дўстларнинг дийдорлашуви, улуғ байрам олдидаги дўстона суҳбат ва мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган улкан ижтимоий, сиёсий воқеаларга муносабат даврасига айланди. Ҳар бир сурат олдида томошабинлар узоқ вақт ланган эди. «Энг ибратли келинчак», «Энг ибратли бола», «Энг одил қайнона», «Энг чевар қиз», «Энг сочи узун қизлар», «Энг ҳозирж

АГРОСУҒУРТА: БОБОДЕҲҚОН МАДАДКОРИ

Хўжалиги тўлиқ суғурталанган деҳқон табиий офат ташвишларидан холи бўлади.



«Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компанияси томонидан «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Президент Фармони бажарилиши бўйича бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Бугунги кунда компания томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарига 20дан ортиқ суғурта хизматлари таклиф қилинган. Булардан тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар қайтарилиши учун қишлоқ хўжалиги корхоналарининг жавобгарлиги суғуртаси, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш бўйича ишларни ўтказиш учун аванс тариқасида бериладиган маблағлар қайтарилиши, қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчи хўжаликларнинг экинлардан кам ҳосил олиш натижасида кўрадиган молиявий заарини ихтиёрий суғуртаси, қишлоқ хўжалик экинларини қайта экиш натижасида олдиндан кўзда тутилмаган харажатларни ихтиёрий суғуртаси, қишлоқ хўжалик ҳайвонларини ихтиёрий суғуртаси, лизингга олинган қишлоқ хўжалик техникасини суғуртаси ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалик корхоналари билан 2004 йил учун жами 18815 та ихтиёрий суғурта шартномалари тузилди. Шу жумладан, ширкат хўжаликлари билан 1836 та, фермер хўжаликлари билан 16979 та. Ушбу шартномалар бўйича жами 17746,9 млн. сўм суғурта жавобгарлиги олинди.

Жорий йилда чигитни қайта экишдан ширкат хўжаликлари билан 260 та, фермер хўжаликлари билан 593 та ихтиёрий суғурта шартномаси тузилди.

Баҳорда юз берган табиий офат туфайли чигитни қайта экган 229 та қишлоқ хўжалик корхонасига жами 103,7 млн.сўм суғурта товони аниқланиб, тулаб берилди.

Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани «Янгиқўрғон» ширкат хўжалигига 2,3 млн. сўм, Самарқанд вилояти Пахтачи тумани «Оқтепа» ширкат хўжалигига 3,2 млн.сўм, Пастдарғом тумани Н. Нортоев номли ширкат хўжалигига 2,1 млн.сўм, Нуробод тумани «Каттақўрғон» ширкат хўжалигига 4,3 млн. сўм, «Улус» ширкат хўжалигига 2,8 млн.сўм, Тошкент вилояти Чиноз тумани Муқимий номли фермер хўжалигига 1,3 млн.сўм, Хоразм вилояти Янгибозор тумани «Обод» фермер хўжалигига 2,6 млн.сўм, «Руслан» фермер хўжалигига 2,8 млн. сўм, «Устаобод» фермер хўжалигига 1,7 млн. сўм суғурта товони аниқланиб, тўлаб берилди.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сонли қарорига асосан лизинг асосида берилган техникалар суғурта қилинмоқда. Ҳозирги кунга қадар қишлоқ хўжалик корхоналари билан жами 5290 та шартномалар тузилди ва 6379 та тракторлар суғуртага



олинди. Ушбу шартномалар бўйича 57018,3 млн.сўмлик суғурта жавобгарлиги олиб борилмоқда. Зарарланган техникалар бўйича шу бугунга қадар 11,2 млн. сўм, фермер хўжаликларига 6,3 млн. сўм маблағ ажратилди.



Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалик корхоналари билан 2004 йил ғалла ҳосилига тузилган ихтиёрий суғурта шартномалари бўйича табиий офатлар натижасида ғалла ҳосилини кам олгани учун суғурта товони аниқлаш ишлари бошланган. Ўрнатилган тартибга кўра суғурта товони қишлоқ хўжалик корхоналарининг 29-шаклли қишлоқ хўжалик статистик ҳисоботи тасдиқлангач, 70 фоиз тўлаб берилади, қолган қисми хўжаликларнинг йиллик ҳисоботи тасдиқлангач тўланади.

Аммо, Компания, қишлоқ хўжалик корхоналари 2005 йил учун ғалла экинларини ўз вақтида сифатли экиб олишига ёрдам бериш мақсадида ғалла ҳосили бўйича аниқланган суғурта товонини қишлоқ хўжалик корхоналарининг тўққиз ойлик ҳисоботи статистик органларига топширилгач, кўрилган зарарнинг 70 фоизини тўлаб беришни мўлжалламоқда.

Бундан ташқари қишлоқ хўжалик корхоналарига давлат эҳтиёжлари учун етиштириладиган пахта ва ғалла экинларига ажратилган маблағларни қайтарилиши бўйича пахта ҳосилига 20725 та шартномага кўра 5 млрд. 763,3 млн.сўм, ғалла ҳосилига 14561 та шартномага кўра 681,8 млн.сўм суғурта жавобгарлиги олинди. Шунингдек, фермер хўжаликларига ажратилаётган имтиёзли кредит бўйича пахта ҳосилига 8368 та шартномага кўра 10 млрд. 525,2 млн.сўм, ғалла ҳосилига 3264 та шартномага кўра 1 млрд. 037,8 млн.сўм суғурта жавобгарлиги олинган.

Биз «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компанияси бошқаруви раиси Пўлат Казиев билан суҳбатлашиб, компаниянинг бугунги кунда олиб бораётган суғурталаш ишлари билан таништик. Шуни эканмиз, компания ўз мижозларининг ишончини тўлақонли равишда оқлаётганлигига яна бир бор амин бўлдик.

Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг бозор тамойилларига мос келадиган ташкилий тузилмасини татбиқ этиш, биринчи навбатда деҳқонларда мулкка ва ерга бўлган муносабатни ўзгариши, улар онгида ишбилармонлик ва тадбиркорлик хусусиятлари шаклланишини кўрсатиб ўтиш жоиз, чунки ушбу масалага республикамизда алоҳида эътибор берилмоқда.

«Uzagrosug'urta» давлат акциядорлик компанияси ташкил топган пайтдан бошлаб ўтган олти йил давомида суғурта фаолиятининг барча соҳаларида барқарор ўсишни таъминлашга, суғурта қилдирувчилар учун тамомила янги бўлган суғурта хизмати турларини жорий этишга, ўзининг мустаҳкам ташкилий ҳамда моддий-техника базасини барпо этишга ва суғурта бозорида муносиб мақомни эгаллашга муваффақ бўлди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, корхоналар ва аҳолининг мулкий манфаатларини суғурта ҳимояси компания фаолиятининг устувор йўналиши этиб белгиланган.

Президентимиз ва республика ҳукумати томонидан айнан суғурта соҳасига катта эътибор қаратилиши ва шу соҳа вакилларига муҳим вазифаларнинг юкланиши бу тармоқнинг замонавий бозор иқтисодиётида, хусусан, илдам қадамлар билан одимлаётган иқтисодиётимизда тутган ўрнининг беқиёслигидан далолат беради.

Келгусида ҳам «Uzagrosug'urta» давлат акциядорлик компанияси қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни ривожланишида суғуртага оид илғор ютуқлар ва тажрибани жорий эта бориб, халқаро ҳамкорлик соҳасини кенгайтирган ҳолда Ўзбекистонда такомиллашган суғурта бозорини яратишга ва халқимизнинг фаровонлиги юксалишига имкон яратади деб чин дилдан ишонамиз.

Компания ҳақида

Ташкил этилган санаси.

«Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компанияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 февралдаги Фармони ҳамда, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 март қарорига мувофиқ ташкил этилган. Устав жамғармаси — 2,1 млрд. сўмга тенг.

Компаниянинг таъсисчилари

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» ассоциацияси, «Ўздонмаҳсулот» ассоциацияси, Акциядорлик тижорат «Пахта банк», Акциядорлик тижорат «Ғалла банк», Акциядорлик тижорат «Савдогарбанк»

Ташкилий тузилмаси

** Қорақалпоғистон Республикаси ва республиканинг барча вилоятларида 13 та дирекцияси;*

** Туман ва шаҳарларда — 180 та бўлимлари*

Фаолиятининг асосий йўналиши

— Деҳқончилик соҳасидаги товар ишлаб чиқарувчиларнинг мулки ва маҳсулоти суғурта йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлаш;

— Деҳқончилик соҳасидаги товар ишлаб чиқарувчи — қарз олувчиларнинг тўлашга қодирлигини ўрганиш ҳамда тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарига ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва деҳқончилик соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратиб бериладиган кредитларни қоплашга суғурта кафолатларини тақдим этиш;

— Деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш бўйича ишларни ўтказиш учун аванс тариқасида бериладиган маблағлар қайтарилишини суғурталаш;

— Юридик ва жисмоний шахсларга ҳар томонлама суғурта хизматлари кўрсатиш, қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг шахсий ҳамда мулкий манфаатларини суғурта йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлаш.

Асосий суғурта турлари




— Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суғурталаш

— Мол-мулкни зарардан суғурта қилиш

— Гаровга қўйилган мулк суғуртаси

— Транспорт воситалари комплекс суғуртаси



— Йўлдаги мол-мулкни (юкларни) суғурта қилиш

— Авиация суғуртаси ва унинг доирасидаги жавобгарликни суғурта қилиш

— Қурилиш-монтаж ишларидаги таваккалчиликларни суғурта қилиш

— Тадбиркорлик таваккалчиликларидан суғурта қилиш

— Бахтсиз ҳодисалардан ва касалликлардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш

— Лизингга олинган қишлоқ хўжалик техникаларини суғурталаш

— Аванс тариқасида бериладиган маблағларнинг қайтарилишини суғурталаш

— Қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан банкларнинг кредитлари қайтарилмаслиги таваккалчилигини суғурталаш

— Банкларни тадбиркорлик таваккалчилигидан суғурталаш

— Автофуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш

— Профессионал жавобгарлик суғуртаси

— Молиявий таваккалчиликлардан суғурта қилиш

— Парранда ва ҳайвонларни табиий офатлар, турли касалликлар ва бошқа воқеалар натижасида нобуд бўлишидан суғурталаш

— Акционерлик жамиятларини банкротлик ҳолатидан акциядорлар олдидаги жавобгарлигини суғурта қилиш.

Муҳаммадсиддиқ РАҲМАТОВ, «Миллий тикланиш» мухбири.

"ПАХТА БАНК" — ТАДБИРКОР ҚАНОТИ

Тўғриси, бундан бир неча йиллар муқаддам банк ҳақида одамларнинг тасаввури бошқача эди. Одамлар ўз маблағларини банкларга қўйишга ишонмас эдилар. Бугун бўлса унинг акси. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча банклар халқимизнинг тўлақонли ишончини оқлаётир десак муболаға қилмаган бўламиз.

Иқтисодиётимизнинг ривожланишига ўзини муносиб улушини қўшиб келаётган, Республика банк тизимида ўз ўрнига эга бўлиб, хизмат кўрсатишнинг юқори чўққилари сари интилишда давом этаётган "Пахта банк" йирик молиявий барқарор институтлардан биридир. Шунингдек, "Пахта банк" Наманган вилоят бошқармаси вилоятдаги банклар орасида нуфузи жиҳатидан энг илғорларидан ҳисобланади.

Янги мулкдорлар синфини шакллантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, бунинг учун зарур ҳуқуқий ва молиявий структураларни ташкил қилиш, шунингдек, кичик бизнес соҳасига кредит ресурсларини ва чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш давлат аҳамиятига молик даражага кўтарилдики, мижозлар билан ишлашда ўзининг беқиёс тажрибасига эга бўлган "Пахта банк" тадбиркорларнинг фаолиятига доимо мададкор, ишончли шерик ва ҳар томонлама кўмакдош бўлиб келмоқда.

— Бугунги кунда вилоятда "Пахта банк"нинг 13 та бўлими фаолият кўрсатиб келяпти. Улар томонидан 7741 та мижозга намунали банк хизмати кўрсатилаётган бўлса, шундан 5446 тасини ёки 70 фоиздан ошиғроғини кичик бизнес субъектлари ҳамда тадбиркорлар ташкил этади, — дейди биз билан суҳбатда "Пахта банк" Наманган вилоят бошқармаси бошқарувчисининг биринчи ўринбосари Баҳриддин Шарафиддинов.

Тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш мақсадида ҳар бир банк бўлимида тадбиркорлик бурчаклари ташкил қилинган. Бу ерда тадбиркорлар мутахассислар томонидан бериладиган тавсияларга эга бўлишади.

Мижозлар билан банк ўртасида муносабатни янада такомиллаштириш мақсадида ҳар бир бўлимда "Ишонч" телефонлари ўрнатилган. Тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган саволларга мазкур телефон орқали хоҳлаган вақтда етарлича жавоб олиш имкониятига эгадирлар.

Бугунги кунда банкнинг нуфузи ва ишончи тадбиркорлар олдида тобора ошиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган етти ойи давомида банк жами 8 миллиард 92 млн. сўм кредитларни вилоятдаги барча хўжалик юритувчи субъектларга йўналтирди.

2004 йил 1 август ҳолатига банкнинг жами кредит қўйилмалари 7,5 миллиард сўмдан ошиқроқни ташкил этаётган бўлса, унинг 1 миллиард 930 миллион сўми ёки 26 фоизи кичик бизнес субъектларини қўллаб қувватлашга қаратилган.

Ҳа, банк ҳеч шубҳасиз тадбиркорнинг қаноти бўлиб хизмат қилмоқда. "Пахта банк"нинг бугун берган кредит маблағлари ҳисобига жойларда 3853 та ишчи ўрни яратилиб, шундан 450 таси жорий йилнинг етти ойига тўғри келади. Банк кредит маблағлари ўз навбатида мўл ҳосил етиштиришга ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Банк 202 миллион сўм кредит маблағни янги ташкил этилган фермер ва деҳқон хўжаликлари учун ажратган.

Бугун юртимизда аёлларнинг ижтимоий, иқтисодий хизмат кўрсатиш, қўйинг-ки, барча соҳаларда, хусусан, тадбиркорлик соҳасида ҳам салмоқли фаолият кўрсатаётгани диққатга сазовордир.

"Пахта банк"нинг вилоят бўлими тадбиркор аёллар учун жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 40 миллион сўмдан ошиқроқ миқдорда кредитлар ажратди.

Банк билан мустаҳкам алоқа боғлаб, янги иш ўринлари яратиб, бозорларни сифатли маҳсулот билан тўлдириб, ўз оиласининг даромадини ошираётган аёллар бугун вилоятда кўплаб топилади.

Банкнинг Ҳаққулобод бўлими мижози "Дилдора" фермер хўжалиги 2003 йили банкдан 9 миллион 600 минг сўм кредит олганди. Хўжалик раҳбари Фарида Ҳамроқулова ушбу маблағни хўжаликни ривожлантириш учун сарф этиб, қурилишда фойдаланиладиган плиталарни ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Бу ерда халққа сифатли хизмат кўрсатиш билан бир қаторда бир нечта иш ўринлари ҳам ташкил этилган. Шунингдек, банкнинг Тошбулоқ бўлими мижози Мадина Тешабоева тикувчиликни ривожлантириш мақсадида банкдан жорий йилда 2 миллион 700 минг сўм кредит олганди, натижа ёмон бўлмади. Поп филиалидаги "Тулпор" фермер хўжалиги ҳам ўзи учун ажратилган 20 миллион сўм маблағдан самарали фойдаланди. Улар 3 та трактор ва эҳтиёт қисмлар сотиб олиб, маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарф бўладиган харажатларни камайиши эвазига даромад суратини оширдилар. Яна бир мисол, "Ниҳол 2000" хусусий фирмаси ўтган йили банкдан 5 миллион сўм миқдорда кредит олганди. Улар ушбу маблағни макарон ишлаб чиқариш ва кондитер ускуналари сотиб олиш учун сарфладилар. Кредит олгандан сўнг бир нечта ишчи ўринлари ҳам вужудга келди.

Бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Зеро, бугунги кунда "Пахта банк"нинг шиорларидан бири тадбиркорларни қўллаб-қувватлатлаш экан, унинг мижозлари сони тобора ошиб бораверади.

Гавҳар ДИЛМУРОДОВА, Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети талабаси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ҒАЛЛАБАНК» НАМАНГАН МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИ

Ҳурматли сармоядорлар ва омонатчилар!

Ишончли ва манфаатли ҳамкорингиз бўлган РАТ «Ғаллабанк»и сизга қуйидаги ўзаро манфаатли омонат турлари ва депозит сертификатларини таклиф этади.

— **«ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛИНГУНЧА»** — муддатсиз, ойига 0,4 фоиздан, йилига 4,8 фоиз ҳисобида йил якунида фоизи тўланадиган, доимий равишда маблағ қабул қилинувчи омонатдир.

— **«САЛОМАТЛИК»** омонатига (омонатлар дастлабки маблағдан сўнг 11 ой сақланади) ойига 3 фоизлан ҳисобланиб сақланиш муддати сўнгида фоизлари тўлаб берилади ҳамда омонатни сақлаш давомида яна қўшимча маблағ қўйилиши мумкин.

— **«НАФАҚА — МАДАДКОР»** — дастлабки маблағдан сўнг 1 йил сақланади, ойига 2,7 фоиздан ҳисобланган фоизни ҳар ойда берилади, маблағ устига яна қўшимча маблағ қабул қилиш мумкин, омонат нафақахўрлар учун мўлжалланган.

— **«ҚУВОНЧ»** — омонат миқдори 10 минг сўмдан 5 миллион сўмгача, омонатни 3 ойга қабул қилинганда фоизлар ҳар ойда 2,5 фоиздан бериб борилади. Агар, омонат 6 ойга қабул қилинса, ойига 2,6 фоиздан ҳар 2 ойдан сўнг, 9 ой сақланса, ойига 2,7 фоиздан, ҳар 3 ойдан сўнг, бир йил муддатга қўйилса, ойига 2,8 фоиздан ҳисобланиб, ҳар 3 ойда берилади. Икки йил муддатга қўйилса 2,9 фоиздан ойига ҳисобланиб, ҳар 6 ойда бир марта берилади, 3 йил муддатга қабул қилинганда эса, ойига 3 фоиздан ҳисобланиб, бир йилда бир марта устама суммаси берилади.

— **«ИМКОНИЯТ»** жамғармасига 6 ой сақлаш ва ойига 2,7 фоиз миқдорида устамани омонатнинг сақланиш муддати тугаганда тўлаш шарти билан маблағ қабул қилинади. Ушбу омонат ўстига маблағ қабул қилинади. Жамғарилган маблағ ва фоизлар фақат уй-рўзғор буюмлари, енгил автомобиллар, бошқа жиҳозлар сотиб олиш учун ўтказилади.

— **«БАРАКА»** омонат турига 5 миллион сўмдан 10 миллион сўмгача маблағ 3 ой сақлаш учун қабул қилинганда ҳар ойда 2,6 фоиз миқдорида фоиз тўлаб борилади. Агар омонат 6 ой муддат сақлаш учун қабул қилинса, ойига 2,7 фоиздан, ҳар 2 ойдан сўнг, 9 ой сақланса, ойига 2,8 фоиздан, ҳар 3 ойдан сўнг, бир йил муддатга қўйилса, ойига 2,9 фоиздан ҳисобланиб, ҳар 3 ойда бир марта, икки йил муддатга қўйилганда 3 фоиздан ойига ҳисобланиб, ҳар 6 ойда бир марта берилади. 3 йил муддатга қабул қилинганда эса, ойига 3,1 фоиздан ҳисобланиб, ҳар йили бир марта устама суммаси берилади.

— **«КАПИТАЛ—ПЛЮС»** омонат миқдори 10 миллион сўмдан юқори бўлганда, омонат 3 ой муддатга қўйилса, фоизлари ҳар ойда 2,7 фоиз миқдорида тўлаб борилади. Агар омонат 6 ой сақлаш учун қабул қилинса, ойига 2,8 фоиздан, ҳар 2 ойдан сўнг, 9 ой сақланса, ойига 2,9 фоиздан, ҳар 3 ойдан сўнг, бир йил муддатга қўйилса, ойига 3 фоиздан ҳисобланиб, ҳар 3 ойдан сўнг, икки йил муддатга қўйилганда, 3,1 фоиздан ойига ҳисобланиб, ҳар 6 ойда бир марта берилади. 3 йил муддатга қабул қилинганда эса, ойига 3,2 фоиздан ҳисобланиб, ҳар йили бир марта устама суммаси берилади.

— **«КОММУНАЛ ТЎЛОВ»** омонатига бир йил сақлаш ва ойига 2,8 фоиз миқдорида фоиз тўлаш ва ҳар ойнинг 5-санасигача тўлаш шарти билан 10 минг сўмдан юқори бўлган маблағлар қабул қилинади.


Тўланадиган ойлик фоизлар ҳисобидан омонатчи олдиндан белгилаб берган коммунал тўловлари тўлаб борилади.


Жонажон Ватанимиз Истиқлолга эришганлигининг 13 йиллик тўйи билан барча юртдошларимизни қутлаймиз.


Бизнинг манзил: Наманган шаҳри, Ахси кўчаси, 2-уй. Тел.: 26-72-44.

Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги
«Оқ олтин» ширкат хўжалиги жамоаси

Ўзбекистонимиз аҳолисини Истиқлол байрами билан қутлайди.








Юртдошларимиз хонадонларида доимо бахтиёр куй-қўшиқлар янграйверсин. Бободеҳқонларнинг топганига яратганнинг ўзи барокатларини сочаверсин. Миллий ифтихоримиз — «Оқ олтин»дан яратилажак хирмонларга барака!




«Намангандонмаҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти жамоаси


Ўзбекистонимиз аҳолисини Мустақиллигимизнинг 13 йиллик байрами билан чин дилдан муборакбод этади!



Хирмонларингиз донга, дастурхонларингиз нонга тўлсин, тинчлигимиз барқарор бўлсин!







Наманган шаҳар «Чорсу» деҳқон бозори акциядорлик жамияти

Мамлакатимиз аҳолисини истиқлол шодиёналари билан қутлайди.

Хонадонларингизга барака нурлари ёғилаверсин, дастурхонларингиз нозу-неъматларга тўлаверсин!



Нукус вино заводи очиқ ҳиссадорлик жамияти жамоаси



ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ

ҚУТЛУҒ АЙЁМ —

Мустақиллик куни байрами билан самимий қутлайди.

«Қоракўлдонмаҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти жамоаси

ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ.

Халқимизнинг азалий орзу ниятлари – Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Дилкаш суҳбатлар

Мирпўлат МИРЗО: «ОШ ЎРНИГА БУТЕРБРОТ ТОРТИБ БЎЛАРМИКИН...»


Бугунги суҳбатдошимиз шоир ва таржимон «Жаҳон адабиёти» журналининг муҳаррир ўринбосари Мирпўлат Мирзо.

- Суҳбатимиз мустақиллик байрами арафасида бўлаётгани учун аввало ижод аҳлига истиқлол берган имкониятлар ҳақида гаплашсак.

- Истиқлолнинг энг катта неъмати маънавиятимизга эркинлик берилганлигидир. Минг йилларга илдиз отган томирларимиз, миллатимиз тарихининг очилмаган қирралари, беназир алломаларининг ҳаёти, ижодий фаолияти ҳам мана шу имкониятлар туфайли ўрганилмоқда.Улар билан танишиш ёш авлодни Она Ватанга бўлган меҳрини оширади, элу юртга садоқат руҳида тарбиялайди. Шунинг учун ҳам истиқлол берган маънавий эркинликни ўткинчи ҳо-ю ҳаваслар билан алмашиб бўлмайди.

- Дунё адабиётига бўлган қизиқишимиз, жаҳон китобхонларини лол қилишга лойиқ янги асарлар билан танишиш сингари истакларимизни « Жаҳон адабиёти » журналини ўқиш орқали рўёбга чиқарамиз. Севимли журналимизнинг бугунги фаолияти қандай?

- Журналимиз шахсан юртбошимизнинг ташаббуслари билан ташкил қилинган эди. Ўша йиллардан ҳозирги кунгача « Жаҳон адабиёти » 90 га яқин сони нашр этилган бўлса, улар халқимизнинг, адабиётимизнинг бебаҳо мулкига айланиб улгурди. Бунда устозимиз, журналимиз муҳаррири Озод Шарафиддиновнинг хизматлари беқиёс. Сермаҳсул, ҳар бир ишга сидқидилдан ёндошадиган, таржимонликда, адабий танқидчиликда, публицистика, эссэ жанрларида ҳам ўн кишининг ишини бир ўзи бажарадиган бу инсон чинакам жасорат тимсолидир. Бир ўйлаб кўринг, соғлиғи тез-тез безовта қилиб турганда ҳам кўнглига ижодни сиғдира олган бундай бағрикенг инсон яна қаерда бор! Ёшларимиз мана шундай шижоат, ирода билан тинмай ўқиб-изланишни шу одамдан ўргансалар арзийди. « Ёшликда кўп



ўқиганингиз томирларингизга сингиб кетган-да » десак, Озод ака мийиғида кулиб: « Кўп ўқиганмизу, қиладиган ишларимиз ҳам кўп-да » деб қўядилар.Халқимиз жаҳоннинг энг илғор кишилари сафига қўшилишга интилмоқда. Дунё адабиёти наҳри уммонга ўхшайди, бу обиҳаётдан бебаҳра бўлиб, хомхаёлларга берилиш шунчаки чучмал туйғуларга алданиб қолишдан бошқа нарса эмас. Халқнинг руҳини табиати тоза сўзлар билан чиниқтирмай туриб, уни катта ишларга даъват қилиб бўлмайди.Кўпинча журналимизнинг адади камлиги ҳақида гапириб қолишади. Ўйланиб қоламан, журналимизда берилаётган ҳар бир асарнинг бадиий қиммати беқиёс, уни ўқиш эса, чинакам китобхон учун жуда катта муаммо туғдирмаса керак. Ёзувчиларимиз ҳам журналимизнинг тарғиботчиси, даъватчисига айланишларини истардик.

- Ўзбек адабиётининг таржимонлик мактаби ҳақида нималар дея оласиз? Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида тақдимоти ўтказилган «Сомон йўли чечаклари » номли шеърий таржималар мажмуаси ҳам кўпчилик мухлисларингизга байрам туҳфаси бўлди.

- « Жаҳон адабиёти » журнали ташкил этилиши баҳонасида кўпгина дурдона асарлар ўзбек тилига таржима қилинди.Бундан ташқари ёшлардан кўп нарсаларни кутамиз. Бир-бирига ўхшамайдиган, янгича руҳдаги асарларни ҳар куни ўқишимиз керак. Жаҳоннинг машҳур шоирлари ижоди намуналаридан тузилган « Сомон йўли чечаклари » номли китобда ҳам ана шундай умумбашарий туйғуларга, эзгу ғояларга ҳамоҳанг руҳ бор.Таржима иши нафақат кўп билим, балки асарга руҳан ёндоша олишни ҳам талаб қилади. Эринмай ишлаш, ҳаммасини қунт билан ўрганиш керак.

- Ёшларимизнинг кўпчилигига қизиқарли туюлаётган хориж адабиётидаги оқимлар, яъни ...измлар тўғрисида тажрибали ижодкор, дунё адабиёти билан таниш таржимон сифатида нима деган бўлар эдингиз?

- Модернизм ҳақида гапирилганда ғарбнинг қалб диалектикасидан келиб чиқиш керак. Ўзбек модернизми деб баҳоланаётган оқимни ғарбдаги реалликнинг ҳафёлдаги давоми дейиш мумкин. Барибир шарқ шеъриятидаги зийнат, унинг суврати-ю, сийрати бошқача. Шунинг учун бўлса керак, ёшларни қизиқтираётган ўша ...измларни шаклан қабул қилишни кўпчилик хушламайди. Худди тўй-маъракаларимизда ошнинг ўрнига бутерброт тортилганга ўхшайди бу. Уни халқ ҳазм қила оладими, йўқми, вақт кўрсатади. Фикр теран бўлса, ёзувчининг қалб кечинмалари шаклини ҳам, ўқувчисини ҳам ўзи топиб олади. Рабиндранат Тагор ҳам шарқнинг одами, у бир ўринда: «Хомиладор аёл ғарб учун ниҳоятда хунук, шарқ учун яхши кўринишда » деган маънода гапирган экан.

- Биз- ёшлар катта ёшдаги ижодкорлар орасида бўлсак, кўпроқ устоз-шогирдлик муносабатларини кузатамиз.Жойларда сизнинг устоз адабиётшунос олим Озод Шарофиддиновга бўлган чуқур эҳтиромингизга кўп гувоҳ бўлганмиз

- Озод аканинг дадил фикрлари, ҳаётимизни нурлантириш учун айтаётган сўзлари ҳаққоний. Устозга сўнмас, бетиним шижоат бераётган жасорат туйғусида халқимиз ўзининг феълини, самимиятини намоён қилаётган иродали бир инсон қиёфасини кўради.Озод ака адабий танқидчиликда ҳам ёзувчининг феъли ёки обрўсига қараб эмас, унинг ёзган асарига қараб, холисона ёндошади. У кишининг ҳалоллигини уйдаги ёки ўзиниг сафдошларига бўлган муносабатларида ҳам кўрамиз. ҳар қандай вазиятларда ҳам шу одатини сақлаб қолади. Мана шундай самимий руҳни бошқаларда ҳам кўришни истардим.

- Юртдошларимизга тилакларингиз.

- Истиқлол – бахт дегани. Тақдирнинг саодати бу. Аслида бировнинг тазйиқи остида яшашдан ёмон нарса йўқ. Дунёда энг оғир мусибат шу бўлса керак. Кўпгина юртларда ижодий сафарларда бўлганимизда кўрганман, Ватани озодликка эришмаганлар ҳеч қачон бахтли бўла олмайди.

Зумрад Ваҳобова суҳбатлашди.

СЕШАНБА ТАЪБИРНОМАСИ

Сешанба куни уйдан уйга кўчмоқ яхшидур, ғаму ғуссадан халос бўласиз. Шу куни янги кийим бичмок ҳам яхши, аммо, ўтга куйгай, кийган киши оғриққа учрагай. Сешанба куни тирноқ олиш ҳам хасталик келтиради, савдо-сотиқ соҳасидаги ишлари юришмай қолади. Агар қулоғингиз қичишса, садақа беринг, келадиган балоқазодан халос бўласиз. Кўзингиз учса ҳам садақа берганингиз маъқул. Агар шу куни фарзанд туғилса, ўғил бўлса, исмини Исмоил ёки Исҳоқ, қиз бўлса, Ойша қўйинг.

Сешанбада деҳқончилик ишларини бажариш яхши самара беради. Аммо экин экилса, қурт-қумурсқа ёки кемирувчилардан зиён, шикаст топади. Шу куни пешин намози вақтида сафар қилган маъқул. Сешанбада иморат бошлаш, ғусл қилиш ҳам яхши эмас. Янги ишга киришишнинг ҳам натижаси ўртача. Яхшиси, сабр қилмоқ керак.

Юсуф алайҳиссалом таъбирномасидан

31 август — қатағон қурбонларини ёд этиш куни

АВЛОДЛАР ХОТИРИДА

Ватан озодлиги, мустақиллиги йўлида жон олиб, жон берган, беаёв душманларга қарши хормай-толмай курашиб, қаттол тузум қаҳру-ғазабидан, қатағон тиғидан ҳалок бўлган юртдошлар хотираси истиқлолимиз туфайли ёдга олинмоқда.

Мустамлакачилик даврида қатағон қилинган фидойи ватанпарварларимиз номманом аниқланмоқда, шаҳид бўлган юртдошларимиз номи абадийлашмоқда, "қатағон қурбонлари" хотира китоби яратилмоқда, Тошкентда "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи бунёд этилди, "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи ишлаб турибди. Қатағон қурбонлари хотирасига бағишланган асарлар, видео, телефильмлар яратилмоқда. Хуллас, яқин ўтмишимизнинг қора кунларида қатағон қилинганлар тақдири, хотираси маънавий ҳаётимизнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб қолди.

Ушбу мақолада мудҳиш 1937 йилда қатағон қилинганлар ҳақида сўз юритилади.

ВКП (б) Марказий Комитети Сиёсий бюроси 1937 йил 2 июлда тасдиқлаган ва марказқўм котиби И. В. Сталин тасдиқлаган "Антисовет унсурлар тўғрисида"ги директива салтанатдаги барча партия ташкилотларига, ички ишлар органларига тезкорлик биан етказилди: Директива Ўзкомпартия Марказий Комитетига Ўзбекистон Ички ишлар халқ комиссари Загвоздинга ҳам етиб келди.

Унда ўз вақтида турли областлардан Шимол ва Сибирь районларига сургун қилинган, кейинчалик сургун муддати тугаб, ўз областларига қайтиб келган собиқ қулоқлар ва жиноятчилар колхоз ва совхозлардаги, транспорт ва саноат корхоналаридаги ҳар қандай антисовет ва диверсант жиноятчиларнинг асосий ташкилотчилари, бошловчилари бўлиб фаолият кўрсатаётганларни рўйхатга, ҳисобга олиш, энг ашаддий душманлик кайфиятдагиларини зудлик билан қамоққа олиш, маъмурий тартибда учликлар орқали отиб ташлаш, унча фаол бўлмаган душман унсурларини НКВД кўрсатмаси бўйича белгиланган районларга сургун қилиш талаб этилди.

Беш кун муддатда Марказқўмга учликлар таркибини, шунингдек, отиладиган ва сургун қилинадиганлар миқдорини тақдим этиш талаб қилинди.

1937 йил 3 июлида СССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг 266 — 15545-сонли директиваси Н. Ежов имзоси билан жойларга юборилди. Ўзбекистонга келган бу ҳужжатда хавфли унсур қулоқ ва жиноятчиларнинг барчаси икки тоифага бўлиниб биринчисига отиб юбориладиган ашаддий хавфлилар, иккинчисига камроқ хавфли ва НКВД кўрсатмаси билан сургун қилинадиганлар таркиби ва миқдорини тақдим этиш сўралди.

8 июлгача телеграф орқали қулоқлар ва жиноятчилар миқдори шахсан Н. Ежовга етказилиши талаб қилинган.

1937 йил 11 июлда ВКП (б) МК Сиёсий бюроси йиғилишида "Антисовет элементлар тўғрисида"ги масала кўрилиб, Ўзбекистон бўйича Икромов, Болтабоев, Загвоздинлар таркибида учлик тасдиқланди, Ўзбекистондан 1489 киши отилиши, 3592 киши сургун қилиниши ҳақидаги маълумот тасдиқланди.

30 июлда СССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг "Собиқ қулоқлар, жиноятчилар ва бошқа советларга қарши унсурларни репрессия қилиш бўйича операция тўғрисида"ги мутлақо маҳфий 00447-сонли тезкор буйруғига Н. Ежов қўл қўяди. Унга мувофиқ 1937 йил 5 августда бутун мамлакатда собиқ қулоқлар, фаол унсурлар ва жиноятчиларнинг репрессия қилиш бўйича операция ўтказиладиган бўлди. Ўзбекистонда машъум иш 10 августдан бошланди. Республика НКВДсини СССР НКВДсига оғзаки берган маълумоти бўйича Ўзбекистондан собиқ қулоқлар ва жиноятчиларнинг 1-тоифасига 750 киши киритилиб улар отувга ҳукм этилиши, 2-тоифага 4000 киши киритилиб, улар сургун қилиниши белгилаб қўйилди. Ўша буйруқ билан Ўзбекистон "учлиги" Загвоздин (раис), Икромов, Болтабоев (аъзолар) Ички ишлар халқ комиссари Н. Ежов томонидан тасдиқланди. Бу "учлик"нинг 10 августдаги йиғилишида 80 киши, 14 августдаги йиғилишида 56 киши отувга ҳукм қилинди.

Собиқ қулоқлар ва жиноятчиларни топиб отувга, сургунга ҳукм қилиш операцияси тўрт ой давомида амалга оширилиши керак эди.

1937 йил 30 сентябрга қадар НКВДнинг ўша 1937 йил 30 июлдаги 00447-сонли буйруғи асосида Ўзбекистондаги собиқ қулоқлардан 2317 киши, бошқа аксилинқилобий унсурлардан 2469 киши қамоққа олинган, шундан 1-тоифа бўйича 453 собиқ қулоқлар, 234 жиноятчилар отиб ташланган, 2-тоифа бўйича 142 собиқ қулоқлар, 100 жиноятчилар, 159 бошқа аксилинқилобчилар НКВД йўли билан Ўзбекистондан бадарға қилинганлар. 1938 йил 1 январгача собиқ қулоқлар сифатида 5924 киши, жиноятчилар — 1679 киши, бошқа аксилинқилобий унсурлар — 3097 киши, жами 10700 киши қамоққа олинган. Шундан 1376 собиқ қулоқ отилгани, 4548 собиқ қулоқ НКВД йўли билан бадарға қилингани қайд этилган. Улар орасида андижонликлар, жумладан, избоскан-ликлар ҳам бўлганки, бу фожиалар архив ҳужжатларида муҳрланиб қолган.

Андижон вилоят давлат архиви Избоскан филиалида мана бу ҳужжат сақланиб қолган.

НКВДнинг Избоскан район бўлими бошлиғи, давлат хавфсизлиги лейтенанти Насритдиновга Ўзбекистон Ички ишлар халқ комиссари ўринбосари Кулиничевдан 1937 йил 11 ноябрда "К" серияли хат келади. Унда шундай дейилган: "Менинг шахсан сизга 2 ноябрда берган кўрсатмамга мувофиқ тақдим этган рўйхатингизга қўшимча равишда қуйида номлари келтирилган қулоқларни қамоққа олишга санкция бераман:

1. Тиллабоев (ҳужжатда Туллябоев — Р. Ш) Бултур — 1892 йили туғилган, қулоқ. 2. Аҳмаджонов Маҳмудбек — 1902 йли туғилган, қулоқ. 3. Расулбеков Самар қори — 1908 йили туғилган, қулоқ. 4. Маматқулов Абдуқодир — 1877 йили туғилган, қулоқ. 5. Мавлонов Қорабой — 1892 йили туғилган, қулоқ. 6. Асранқулов Эргаш — 1885 йили туғилган, қулоқ. 7. Хўжаев Турғун — Абдулла — 1906 йили туғилган, қулоқ. 8. Дўстматов Мулла Тўхтасин — 1887 йили туғилган, қулоқ. 9. Хўжаев Хайдар Чирмаш — 1901 йили туғилган, қулоқ. 10. Бобоёров Акбар — 1882 йили туғилган, қулоқ. 11. Саидов Мадумар — 1887 йили туғилган, қулоқ. 12. Мамасоли Хожиев Қодирали — 1882 йили туғилган, қулоқ. 13. Болтабоев Мулла Холиқберди — 1887 йили туғилган, қулоқ. 14. Машрабов Даманбўта — 1887 йили туғилган, қулоқ. 15. Раҳимбердиев Мамат Иброҳим — 1892 йили туғилган, қулоқ. 16. Хожиев Абдураҳим Хайдар — 1897 йили туғилган, қулоқ. 17. Тўлаков Эгамберди — 1882 йили туғилган, қулоқ. 18. Валиев Худойберди — 1892 йили туғилган, қулоқ. 19. Мирзажонов Юсуфжон қори — 1903 йили туғилган, қулоқ. 20. Ашурматов Маткарим — 1886 йили туғилган, қулоқ. 21. Рахмонов Очилбува — 1882 йили туғилган, қулоқ. 22. Отабоев Аҳмадали — 1887 йили туғилган, қулоқ. 23. Хожибоев Тўйчибой — 1899 йили туғилган, қулоқ. 24. Рахматуллаев Отажон — 1897 йили туғилган, қулоқ. 25. Саидхонов Рўзахон — 1900 йили туғилган, қулоқ. 26. Боқиев Мулла Бадал — 1892 йили туғилган, қулоқ. 27. Худайқулов Мамарасул — 1882 йили туғилган, қулоқ. 28. Абдурасулов Мулла Абдуллахон — 1887 йили туғилган, имом. 29. Ҳусанов Абай Сўфи — 1885 йили туғилган, руҳоний. 30. Уркунов Жалол — 1901 йили туғилган, қулоқнинг ўғли, собиқ босмачи.

Бу қамоққа олинадиганларнинг барчасига уларнинг советларга қарши фаолияти тўғрисидаги материал батафсил тўпланиши ва шунга мувофиқ терговда исботланиши керак.

Қамоққа олинганларнинг ҳаммасини тергов қилиш шу йилнинг 23 ноябригача тугалланиши керак. Ижро этилгани ҳақида хабар етказинг".

Ҳужжатдан маълумки, Избоскан райони ички ишлар бўлими, хавфсизлик комитети республика ички ишлар халқ комиссарлигига район бўйича собиқ қулоқлар ва жиноятчиларнинг тўлиқ рўйхатини тақдим этган. Ўша рўйхатга қўшимча юқорида кўрсатилган 30 кишини қамоққа олиш ва улар ҳақидаги материалларни тўплаш, тергов қилиш, тергов натижаларини юбориш талаб қилинган. Ўз-ўзидан равшанки, ўша 1937 йили 2 июлдаги мудҳиш директива бўйича биргина Избоскан районидан шунча катта миқдорда "собиқ қулоқлар ва жиноятчилар" топилган ва қатағон қилинган. Табиийки ҳали кўп ва узоқ текширув, қидирув ишлари олиб боришимиз лозим. Ўша қўшимча равишда қатағон қилишга маҳкум этилган 30 нафар юртдошимизнинг қисмати, тақдири ҳам бизга маълум эмас.

Юқорида номлари зикр этилган қатағон қурбонлари ва уларга алоқадор қавм-қариндошлар, авлодлар бўлиши табиийдир. Башарти шундай фуқаролар бўлса ана шу қатағон қурбонлари ҳақида билганларини, мавжуд бўлган маълумот, ҳужжатлар, фотосуратларни "Мерос" халқаро илмий-амалий экспедиция ҳайрия жамғармасига (Андижон шаҳри. Навоий шоҳ кўчаси, 37-уй, тел: 24-24-57) хабар қилишларини лутфан сўраймиз. Мақсадимиз бу жафокаш инсонлар ҳақидаги чин ҳақиқатни рўёбга чиқариш, тарихимиз саҳифасига ёзиш, уларнинг пок номларини элга қайтариш, яратилаётган "Қатағон қурбонлари хотира" китобига киритишдан иборат.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ, тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Ажаб дунё

БОЛА «НАРХИ» 390 ФУНТ

Ирокдаги британиялик аскарлар ўзларига тош отаётган болаларга қараб ўқлар узишди. Бу ўқлардан бири кўчада ўйнаб юрган Ханан Матруд исмли 8 ёшли болага тегди ва натижада вафот этди. Боланинг ота-онаси даъво аризаси билан судга мурожаат этади.

Суд ҳукмини кутиб ўтирмасдан, ҳарбийлар ота-онага 390 фунт стерлинг тўлашга ва шу йўл билан ишни ёпишга ҳаракат қилишган.

Бироқ боланинг ота-онаси бундай »сахийликка» қандай жавоб беришни билмасларидан бурун, Буюк Британиялик фуқаролар катта тўс-тўполон кўтариб юборишди. Уларнинг айтишича, бундай тўлов ота-онага иккинчи оғир зарбани беради. Шундай экан, шу иш устида турган ҳар бир шахсни оғир жазоларга тортилишини талаб қилишмоқда.

Ҳозирда Халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари бу ишни ҳар томонлама ўрганиб, текшириб чиқмоқда.

ЭНГ УЗУН КОКИЛ

Сўнгги йилларда Гиннеснинг рекордлар китобига кириш истагида юрганлар кўплаб топилади. Улар ўзларининг ғайриоддий усуллари, қилган ишлари билан тарихда ном қолдириш йўлида барча ҳолатларни бошдан ўтказишади.

Соч ўстириш бўйича вьетнамлик Тран Ван Хей сўнгги рекордни янгилади. Унинг сочи ҳозирги кунда 6 метру 20 сантиметрга етди. Бундай сочга у 31 йилда эришди ва охирги маротаба 6 йил олдин сочини ювган. Бундан олдинги рекорд голландиялик Ху Сатеуга тегишли бўлиб, унинг сочининг узунлиги 5 метру 15 сантиметрни ташкил этганди.

Тран Ван Хей рекордни янгилаганидан хурсанд ва Гиннеснинг китобига киритишларидан умидвор бўлиб турибди.

ТОПҚИР ИТ

Америкалик ёш ота-она ўз итларидан бир умр миннатдор бўлишса ажаб эмас. Чунки, уч ёшли қизалоқлари билан бекинмачоқ ўйнаш улар учун анча қимматга тушарди. Қизалоқ ота-онасидан беркиниб, музлаткичнинг пастки қисмига кириб олади. Аммо у ердан ўзи чиқа олмади, ота-она эса қизларини топа олмай хуноб бўлишди. Қизчани уларнинг Колли зотига мансуб ити қутқариб қолди.

С. ШОШИЙ тайёрлади.

Афина — 2004

ОЛИМПИАДА ТАРИХИДАН

Афинада ўтаётган Олимпиада ўйинлари ҳам ўз якунига етай деб қолди. 202 мамлакатдан ташриф буюрган спортчилар ўзларини нималарга қодир эканликларини намойиш этишмоқда. Олимпия ўйинлари инсониятни тинчлик, дўстлик йўлида бирлаштирувчи энг нуфузли мусобақа ҳисобланади.

Маълумки, Олимпия ўйинлари ватани қадимги Юнонистоннинг Олимп шаҳри ҳисобланади. Афсоналарнинг сўзлашича, Юнон худоси Зевс отаси билан бўлган жангда ғалаба қозонади ва ака-сингилларини қутқаради. Ушбу ғалаба шарафига спорт ўйинлари ўтказишни буюради ва бу ўйинлар шаҳар номи билан Олимпия ўйинлари деб аталади. Яна бошқа афсонада , Зевснинг ўғли Геракл энг шавкатли ғалабалари шарафига Олимпия ўйинларини ташкил этади. У оёқ кафтлари билан югуриш мусобақасини уюштиради ва шу орқали масофани белгилайди. Бу кўрсаткич олти юзта оёқ кафтига (192 м 27 см)га тўғри келган. Қадимги юнонлар мазкур ўлчовни «Стадион» деб аташган. Миloддан аввалги 776 йил биринчи Олимпия ўйинларининг ўтказилган санаси ҳисобланади.



ОЛИМПИАДА АТРОФИДА

Бу йилги Олимпиада чипталар сотуви бўйича аввалги рекордлардан ўзиб кетди. Ташкилий қўмитанинг маълум қилишича, бир кунда 84 минг чипта сотилган.

Июл ойида ҳафтасига 40 минг чипта сотилаётган эди. Олимпиада ойида ҳафтасига 285 минг чипта харид қилинган. Мусобақанинг очилиш ва ёпилиш маросимларига чиқарилган чипталар ўз эгаларига август ойининг илк кунларида етказилган.

***

Хитойлик спортчи аёл Ли Вей оғир атлетика баҳсларида олтин медални қўлга киритди. У тошларни мураббийи кўрсатган банк пластик карточкасига қизиқиб даст кўтариб юборди. Қизиқувчан журналистлар эса мураббийдан бу ҳолатга изоҳ беришини сўрашди. «Ли оиласи жуда камбағал бўлиб, унинг отаси ахлат ташувчи эканлигини мен жуда яхши билардим. Унинг илк мусобақасида бир даста пул кўрсатиб, «тошни кўтарсанг шу пул сеники дедим». Ли ҳеч қийналмай вазифани бажарди. Лекин мен ваъдамни бажармадим. Ғалдаги мусобақада аксига олиб пул топа олмадим. Шунда икки дона юз долларликни бир тахлам қоғозларнинг усти ва тагига қўйдим. У яна ғолиб. Олимпиада баҳсларида эса пулларни кўрсатсам ишонмайди деб, банк пластик карточкасини олдим ва «ютсанг шу сеники, бу ерда 50 минг пул бор», дедим. Натижасини ҳамма кўрди. «Бу гал албатта, ваъдамнинг устидан чиқаман. У шунга лойиқ», — деб кулиб қўйди Лининг мураббийи.

***

Германиялик Корнеля Фол исмли камончи аёл Олимпия ўйинларида иштирок этиши боис, никоҳ тўйини кечиктирди. Шуниси қизиққи, 33 ёшли мазкур спортчи етти ойлик ҳомиладор. Шунга қарамай, у ўзини яхши ҳис этаётгани ва совринли ўринлар учун бемалол кураш олиб боражагини таъкидлаган. Бу Корнелянинг тўртинчи олимпиадаси бўлиб, у Сиднейда ўтган ўйинларда бронза медалини қўлга киритганди.

Суннатилла ИСЛОМОВ тайёрлади.

Оҳангарон Далварзин ирригация тизими бошқармаси қуйидаги районларда ишлаш учун

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ПИСКЕНТ ТУМАНИДА

К — 700 *трактори ҳайдовчиси - 2 та ўрин. Ойлик маош 50 минг сўм*

Т — 150 *трактори ҳайдовчиси - 2 та ўрин. Ойлик маош 50 минг сўм*

Бульдозер *ҳайдовчиси - 2 та ўрин. Маош ишбай*

ЮМЗ ЭО — 2621 *ҳайдовчиси - 2 та ўрин. Маош ишбай*

Экскаватор *машинисти - 2 та ўрин. Маош ишбай*

БЎКА ТУМАНИДА

Экскаватор *машинисти - 2 та ўрин. Маош ишбай*

БЕКОБОД ТУМАНИДА

Экскаватор *машинисти - 1 та ўрин. Маош ишбай*

ОҲАНГАРОН ТУМАНИДА

Экскаватор *машинисти - 1 та ўрин. Маош ишбай*



МАНЗИЛ: Пискент тумани, Тўйчи Полвон кўчаси 1-уй.

Телефонлар: 52-253, 52-806.

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ОБУНАЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА?

«Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси 2004 йил август ойи «Миллий тиқланиш» газетасининг ҳар бир обуначисига совға сифатида (бир маротаба, обуначиларни рағбатлантириш мақсадида) «Гўзаллар гўзали» деб номланган китобларнинг бирини етказиб беришни уюштирмоқда.

Обуначиларга китоблар берилмаган тақдирда улар жойлардаги обунани расмийлаштирган почта ва «Матбуот тарқатувчи» жамиятлари ходимларидан талаб қилишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси.

Milliy tiklanish

Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Нашр муҳаррири: Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 930. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда .

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Раъно ИСМАИЛОВА. Босишга топшириш вақти 20.00. Нашр кўрсаткичи — 158

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 уй

Телефонлар: қабулхона — 133-67-51, бўлимлар —136-58-80, 136-58-73

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00